

**Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги**

***Наманган муҳандислик- педагогика
институти***

«Технология» факультети

«Озиқ-овқат технологияси» кафедраси

***МАХСУС ФАНЛАР ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ТАЪЛИМИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ***

***маърузалар матни
(1- қисм)***

Наманган – 2005

Ушбу маърузалар матни 5140900 касбий таълим «Озиқ-овқатлар» технологияси йўналиши Давлат таълим стандарти ва намунавий дастурга асосан тузилган, институт илмий кенгаши томонидан тасдиқланган.

Муаллифлар: доц. Л. Мамажонов
 асс. Д. Ўктамов

Такризчи: НамМПИ нинг педагогика ва педагогик
 технологиялар кафедраси доценти, педагогика
 фанлари номзоди **А. Бурхонов**

Ушбу маърузалар матни Наманган муҳандислик–педагогика институтининг ўқув-методик кенгашида муҳокама қилинган (_____ мажлис баёни) ва талабалар томонидан фойдаланиш учун нашрга тавсия этилган

Мундарижа

СЎЗ БОШИ.....	4
1-МАЪРУЗА. КИРИШ. ФАННИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ. 4	4
2-МАЪРУЗА. ЎҚУВ РЕЖАСИ ВА ДАСТУРЛАРИ.	6
3-МАЪРУЗА. НАЗАРИЙ ТАЪЛИМ.	7
4-МАЪРУЗА. ДАРС ВА УНИНГ ТУРЛАРИ.....	8
5-МАЪРУЗА. НАЗАРИЙ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	9
6-МАЪРУЗА. КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ЎҚУВ РЕЖАЛАШТИРИШ ХУЖЖАТЛАРИ.	14
7-МАЪРУЗА. БИЛИМ, КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРНИ ТЕКШИРИШ МЕТОДЛАРИ.	17
8-МАЪРУЗА. КАСБ - ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИ 20	20
9-МАЪРУЗА. ЎҚИТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ШАКЛЛАРИ.22	
10-МАЪРУЗА. ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИНИ БИЛДИРИШНИНГ МЕТОД ВА МЕТОДИК УСУЛЛАРИНИ ТАНЛАШ.....	26
11-МАЪРУЗА. ЎҚИТУВЧИНИНГ ЎҚУВ МАТЕРИАЛИНИ ОЎЗАКИ БАЁН ЭТИШ МЕТОДИКАСИ.	28
12-МАЪРУЗА. ЎҚИТУВЧИ НУТҚИНИНГ ТЕХНИКАСИ ..	30
13-МАЪРУЗА. ЎҚУВЧИЛАРНИ ЯНГИ БИЛИМЛАРНИ СУҲБАТ МЕТОДИДА БАЁН ЭТИШ.....	31
14-МАЪРУЗА. ЎҚИТИШДА КЎРСАТМАЛИ ҚЎЛЛАНМАЛАР ВА ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ.....	34
15-МАЪРУЗА. ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КИТОБ БИЛАН ИШЛАШИ 37	37
16-МАЪРУЗА. ЎҚУВ МАТЕРИАЛИНИНГ БАЁН ЭТИШНИ МУАММОЛИ ҚИЛИБ ТУЗИШ.....	39
17-МАЪРУЗА. БИЛИМ, ЎҚУВ ХАМДА МАЛАКАЛАРНИ БАҲОЛАШНИНГ РЕЙТИНГ ТИЗИМИ	42
ТАЯНЧ СЎЗ ВА ИБОРАЛАР.	45
АДАБИЁТЛАР.....	46

Сўз боши.

Махсус фанлар ва ишлаб чиқариш таълимнинг ўқитиш методикаси фани бўйича мазкур маъруза матнлари касбий педагогик тайёргарлик йўналиши талабалари учун мўлжалланган бўлиб, ўқув режаларида кўзда тутилган 36 соатга мўлжалланган.

Мазкур маърузаларнинг мақсади касб-хунар коллежларининг бўлажак муҳандис-педагоглари учун назарий билимлари, шунингдек таълим-тарбиявий фаолият кўникмаси ва малакалари билан қуроллантиришдир.

1-маъруза. Кириш. Фаннинг мақсади ва вазифалари.

1997 йил 29 августда қабул қилинган «Таълим тўғрисидаги қонун ва кадрлар тайёрлаш миллий дастури» таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Бу муҳим ҳужжатларни амалга ошириш бўйича ҳукуматимиз қабул қилган қарорларида республикамизда касб-хунар коллежларини жадал суръатлар билан ривожлантириш чора тадбирлари белгиланган.

Бу янги ўқув масканларида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш бир томондан ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан ўқув юртини замонавий техника билан таъминланганлигига боғлиқ.

Касб-хунар коллежи муҳандис-педагог ходимлари олдига тайёрланадиган малакали ишчи кадрларда илмий дунёқарашни, меҳнатга ижодий муносабатни таркиб топтириш, уларда юксак меҳнат интизоми ва маданиятни, жамоа олдига бурч ҳис туйғуларини тарбиялаш вазифасини қўяди.

Бу вазифаларни бажариш ишлаб чиқаришда янги техника ва технологиядан фойдалана оладиган юқори малакали ишчиларни етиштириш демакдир.

Мазкур вазифани муваффақиятли ҳал қилишда муҳандис-педагогларнинг фан ва техника соҳасидаги ютуқларидан муттасил фойдалана билишлари, ўқув жараёнида илғор педагогик ва ишлаб чиқариш таълими тажрибаларини тадбиқ эта олишлари катта аҳамиятга эга.

Юқорида кўрсатиб ўтилган вазифаларни ҳал қилишда «Махсус фанлар ва ишлаб чиқариш таълимнинг ўқитиш методикаси» фани катта аҳамият касб этади.

Методика – метод ва усулларнинг йиғиндисидан иборат бўлиб, қандайдир ҳаракатни амалда бажарилишидир. Ўқитиш методикасида у ёки бу фанни ўрганиш ҳақида тушунилади. Адабиётларда шундай сўз талқини учрайди «Ўқитиш методикаси», «Ўргатиш методикаси».


Лекин бу икки тушунча ҳам амалда тенг ҳуқуқлидир. Чунки ўқитиш – бу ўргатилганни фаолияти, ўргатиш эса – уларни биргаликдаги фаолиятидир. Ўқитиш методикасининг методологик асослари билим назарияси бўлиб, умумий қонуниятларни, инсон атрофида содир бўлаётган, уни ураб турган дунё шакли ва методларни ўрганади.

Ўқитиш методикаси ўқув предмети сифатида бўлғуси муҳандис-педагогга қуйидагини тушунитириши керак. +андай ва нимага ўқитиш, қандай кетма-кетликда ва нимага энди шундай ўқитилади, бошқача эмас. У нафақат методларнинг билим таълим мазмунини, ўқитилаётган фанлар мажмуасини ўз ичига олади.

Ўқитиш методикаси фани махсус ва ишлаб чиқариш таълими фанларни касб-хунар мактаблари ва коллежларда ўқитиладиган предметларни бир бутун гуруҳлар сифатида бирлаштиради.

Махсус фанлар ўқитиш методикаси фанида талабаларга мутахассислик фанларини ишлаб чиқаришига тадбиқ этилган ҳолда ўқувчиларга ўқитиш методларини ўргатишдан иборат. Ўқув жараёнида тарбиявий ишларни олиб бориш, мутахассисликка бўлган қизиқишларини шакллантириш ва қобилиятларини ривожлантириш, касб-ҳунар коллежи ўқув дастурлари ҳамда хужжатларини тўғри юритиш каби муаммоларни ечишга ёрдам беради.

«Ўқитиш методикаси» фани асосан «Педагогика», «Психология», «Физиология» ва мутахассислик фанлари билан боғлиқ ҳолда ўқитилади. (1-схема).



1-схема. Ўқитиш методикасини бошқа фанлар билан алоқаси

2-маъруза. Ўқув режаси ва дастурлари.

Ўқув режасида кўрсатилган фанлар уларни ўрганиш тартиби, ҳар бир ўқув фанига ажратилган вақт, консултация ва имтиҳонлар барча ўқув гуруҳлари учун мажбурийдир.

Ўқув режаси Ўқув юртининг тури, мақсади ва вазфаларини, Ўқувчиларнинг сони ва уқиш муддатини белгиловчи давлат ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилади.

Ўқув режасига кирган ҳужжатларни малака тавсифномаси, мавзулар режаси ва Ўқув дастурлари ташкил этади.

Малака тавсифномаси – ишчининг билими ҳамда касбий савиясига куйиладиган асосий талаблар мужассамланган норматив ҳужжатдир. Унда ишчи у ёки бу касб фаолияти доирасидаги ишларни онгли ва тугри бажариши учун эгаллаши зарур билимлар ифодаланади.

Малака тавсифномаси иш ва касблар, халқ хўжалигининг муайян соҳаларидаги машғулотларнинг ягона таъриф малака маълумотнома асосида тузилади.

Малака тавсифномасида касб ва ихтисосларнинг аниқ номлари, техник ва махсус билимлар, меҳнат кўникма ва малакалари, малака ошириш бўйича йўл-йўриқлар ифодаланади. Бу ҳужжатлар ўқув режаси ва дастурларини тузишда асос бўлади, шунингдек битириш имтиҳонларида ўқувчиларнинг билимларини сифатли аниқлаш учун хизмат қилади.

Мавзулар режаси – ўқув дастурининг бир қисmini ташкил этиб, унда мавзуларнинг тартиби ва номи, уларнинг ўқиш учун, шу жумладан, назарий, лаборатория амалий машғулотлари ва ишлаб чиқариш таълими учун ажратилган вақтлар кўрсатилади.

Ўқув дастурлари. Фанни ҳажмини, уни ўқитишнинг мазмуни ва тартибини белгилайди.

Янги ўқув режа ва дастурларида материаллар ўқув йиллари бўйича тақсимланган иккинчи даражали материаллар чиқариб ташланган, ўқувчиларнинг янги техника бўйича билим ва малакалар билан қуроллантириш, ўқув устахоналарида, лабораторияларида ўқитиш, янги технологик жараёнлар билан таништириш кўзда тутилган. Асосий эътибор уларда мустақил фикрлашни ривожлантириш, меҳнатга онгли муносабатни тарбиялаш ишларига қаратилган.

Дарс режаси асосий ўқув-режалаштириш ҳужжатларидан бири бўлиб, уни ўқитувчи ўқув дастури ва перспектив мавзулар режаси асосида тузади. Унда дарснинг таълим-тарбиявий мақсадлари, ўқитиш ва тарбиялаш масалалари кўрсатилади ҳамда дарснинг таркиби ва элементлари, ҳар бир элементга ажратилган вақт, ўқитувчи томонидан изоҳланадиган ўқув материалнинг кетма-кетлиги ва мазмуни, мустақил ишларнинг характери ва мазмуни, уй топшириғи ва бошқалар ифодаланади.

3-маъруза. Назарий таълим.

Хунарсиз билим юртларининг ўқув режаларида назарий ва ишлаб чиқариш таълими кўзда тутилган. Назарий таълимнинг вазифаси, мазмуни, усуллари ташкилий шакллари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, битта мақсадга, яъни юқори малакали ишчи кадрлар тайёрлашга қаратилади. Шунинг учун назарий ва ишлаб чиқариш таълими билим юртларидаги ўқув жараёнининг мустақил, аммо ўзаро алоқадор қисмлари ҳисобланади.

Таълимда назарий дарс соатлари билан амалий машғулотларнинг соатлари маълум нисбатда бўлиши лозим. Бунда ўқувчилар ўрганилаётган фан билан таниш эмаслигини, ўзлаштириладиган билимлар улар учун янгилигини назарда тутиш зарур.

Янги фанни ўқитиш олдинги ўтилган фанлар асосида ва янги технологияни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Махсус техник фанларни ўрганишдан мақсад – ўқувчиларда ҳозирги замон техникаси ва ишлаб чиқариш технологияси бўйича касбий маҳоратни шакллантиришдир.

Махсус техник фанлар бўйича дарсларга тайёргарлик кўришда дидактик принцип талабларини ҳисобга олиш зарур.

Ўқитувчининг ўқитиш қонуниятларини билишигина эмас, балки уларни амалга ошириш учун қулай шароитлар яратиш ҳам муҳимдир. Бунга эса ўқув жараёнини ташкил этишда ўқитишнинг асосий қоидаларига таяниш кераклигини чуқур англаган тақдирдагина эришиши мумкин. Бу қоидалар дидактикада ўқитиш принциплари ёки дидактик принцип деб аталади.

Дидактик принциплар: таълимни илмий асосда ташкил этиш; унинг тарбиявий характери, мунтазамлиги ва изчиллиги, кўргазмаллиги, мазмунининг ўқувчиларга мос бўлиши; ўқитишнинг фаоллиги ва онглилиги; билим, кўникма ва малакаларни пухта ўзлаштириш ва ҳар бир ўқувчига яқка тартибда ёндашишдан иборатдир.

Ўқитувчи ўқувчиларга машина ва қуролларнинг тузилиши, ишлаш принципи ва меҳнатни ташкил этишни чуқур ўргатиши, уларни қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш режалари, фан ва техниканинг ютуқлари, олимлар, муҳандис ва ишчиларнинг хизматлари ҳақидаги маълумотлар билан ҳам таништириши лозим.

Таълимни илмий асосда ташкил этиш принципи ўқувчиларнинг таълими ишларини фаоллаштирувчи, ақлий қобилиятларини устирувчи, уларни мустақил билим олишга ўргатувчи усулларни танлаш ва техник атамалардан фойдаланишга одатланишдир.

Таълимнинг тарбиявий характери ўқувчиларга касбий билим бериш, уларнинг ақлий ўсиши ҳамда дунёқарашининг шаклланиши учун шароит яратади.

Таълимни амалга оширишда ўқитувчи ўқувчиларда ўз касбларига муҳаббат, онгли интизом, ўз меҳнатини режалаштира билиш, жамоа билан ишлай олиш кўникмаларини тарбиялаши лозим. Ҳар бир дарсни ўқувчилар билим ва малакаларни эгаллашлари билан бирга уларда дунёқараш ҳам шаклланадиган йўсинда ташкил қилиш лозим.

Кўргазмали принципи ўрганилаётган ҳодиса ва нарсаларни жонли идрок этиш асосида ўзлаштиришни кўзда тутаяди.

Таълимнинг кўргазмаллик принципи ўқув материални аниқ образлар орқали бевосита идрок қилишни таъминлайди.

Таълим жараёнида кўргазмали воситалардан тўғри фойдаланиш ўқувчилар техникага оид билимларни пухта ўзлаштириб олишига, уларни малака ҳосил бўлишига ёрдам беради.

Агар кўргазмали қурол бирор фикр учун кўрсатиш воситаси бўлса, нутқ асосий, кўргазмали қурол эса ёрдамчи восита бўлади. Агар кўргазмали восита кузатишни ривожлантириш учун қўлланса, нутқ қисқа бўлиши фақат асосий воситага, яъни кузатишнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилиши керак.

Мана шу талабларни бажариш учун назарий дарсларда плакат, кинофильм, диафильм ва бошқалар бўлиши керак. Таълимнинг ўқувчиларга мос бўлиши принципи уларнинг ақлий, жисмоний ва ёш хусусиятларни ҳисобга олишни талаб қилади.

Онглилик ва фаоллик принципи таълимни ўқувчилар илмий билимларни онгли, ижодий ўзлаштирадиган йўсинда ташкил этиш кўзда тутилади. Бунга эса ўқувчиларнинг дарс вақтидаги жуда фаоллиги билан эришиш мумкин.

Бу тамойил ишлаб чиқариш таълими жараёнида касбий малакаларни онгли ўзлаштиришда, ундаги иш ҳаракатларини фарқлай билишда кўринса, амалий топшириқларни бажаришда мазкур принципнинг натижаси меҳнат усуллари тўғри ва белгиланган вақтда бажарилишида намоён бўлади.

Малакаларни пухта ўзлаштириш тамойиллари. Бу тамо-йилга кўра ўқитувчи амалий лаборатория машғулотларининг самарадорлигини назорат қилиб туради. Малакалар пухта ўзлаштирилишини таъминлаш мақсадида ўрганилган материаллар мунтазам равишда такрорлаб борилади, янги материални мустақамлаш тадбирлари қўлланади.

Хар бир ўқувчига яқка тартибда муносабатда бўлиш тамойили ўқувчиларни хар томонлама ўрганишни, уларга ўз вақтида ёрдам беришни, уларнинг ташаббускорлиги ва ижодий қобилияти намоён бўладиган шароит яратишни талаб қилади.

Хар бир ўқувчининг ўзига хос томонларини ҳисобга олиш учун ўқитувчи ва уста дарс ўтилгунича уларнинг тавсифномаси билан танишиши ва хар бири билан суҳбат ўтказиши керак.

Назарий таълим дарсларининг ташкилий шакллари тўғри танлаш катта аҳамиятга эга. Бунда дарсни ўтиш жойи ва тартиби, ўқувчиларнинг фаолияти ҳамда дарсда уларни гуруҳларга ажратиш, дарс давомида ўқитувчи билан ўқувчилар орасидаги алоқанинг моҳияти кўзда тутилади. Дарсларнинг ташкилий шакллари ҳунар билим юртининг таълим – тарбиявий вазифалари билан белгиланади ва ўқитиш усулларига боғлиқ бўлади.

4-маъруза. Дарс ва унинг турлари.

Дарс деганда ўқитувчининг ўқув гуруҳига уюшган тайёргарлик даражаси бир хил, таркиби ўзгармас ўқувчилар билан машғулот ўтказиши тушунилади.

Дарс ҳунар билим юртида ҳам таълимнинг ташкил этишнинг асосий шакли ҳисобланади.

Хар бир дарс ўқув жарёнининг бир қисми ҳамда билим, кўникма ва малакаларни эгаллашнинг бир бутун мантиқий яқунланган босқичидир.

Хар бир дарс қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1. Мақсад ва мазмуннинг аниқлиги; бу талаб дарснинг бутун ўқув материални ва унинг хар қайси қисмини тўғри танлаш билан амалга ошади.
2. Таълимий ва тарбиявий вазифаларнинг бирлиги; таълимнинг тарбиявий характери унинг объектив қонуниятни ҳисобланади. Шу билан бирга ўқитувчи ўқувчиларнинг касбий билимларини шакллантиришда ҳамма имкониятларидан фойдаланиши керак.

3. Дарсинг хар қандай босқичида таълимнинг энг керакли методларини танлаш; ўқитиш методини тўғри танлаш ўқитувчи меҳнатининг самарадорлигини ва ўқувчиларнинг энг юқори фаоллигини таъминлайди, ўқувчиларга чуқур ва пухта билимлар беришни, уларда билимларни амалга тадбиқ этиш малакаларини шакллантиради.
4. Дарсда ўқувчиларнинг жамоа ва якка тартибдаги ишини тўғри қўшиб олиб бориш; ўқитувчи дарс давомида бутун гуруҳ билан ишлашдан ташқари ўқувчиларнинг якка тартибдаги топшириқлар бўйича мустақил ишлашини ҳам кенг жорий қилиши лозим.
5. Дарсни самарали ташкил этиш; бу талаб дарсга ажратилган вақтдан унумли фойдаланишни, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг дарсга яхши тайёрланишини, машғулотнинг янги техник жиҳозлар билан таъминланишини, унинг барча элементлари, структураси пухта тузилишини тақозо этади.

Дидактик мақсадлар бўйича дарсинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Янги билимларни ўрганиш дарси.
2. Умумий ёки аралаш дарс.
3. Билимларни мустаҳкамлаш дарси.
4. Синаш – текшириш дарси.
5. Муаммоли дарс.

Дарсинг ана шу асосий турлари структураси қуйида келтирилади:

- I. Янги билимларни ўрганиш дарси: 1. Ташкилий қисм. 2. Янги ўқув материални баён қилиш ва мустаҳкамлаш. 3. Уйга топшириқ бериш. 4. Дарсни якунлаш.
- II. Умумий ёки аралаш дарс: 1. Ташкилий қисм. 2. Уйга топшириқни текшириш. 3. Ўқувчилар билимини оғзаки текшириш. 4. Янги ўқув материални баён қилиш. 5. Янги ўқув материални мустаҳкамлаш. 6. Уйга топшириқ бериш. 7. Дарсни якунлаш.
- III. Билимларни мустаҳкамлаш дарси: 1. Ташкилий қисм. 2. Уйга топшириқни текшириш. 3. Ўқувчилардан ўтилган мавзуларни сўраш, ўқув материални мустаҳкамлаш. 4. Уйга топшириқ бериш. 5. Дарсни якунлаш.
- IV. Билимларни мустаҳкамлаш дарси: 1. Ташкилий қисм. 2. Ўқитувчининг топшириқни тушунтириши. 3. Ўқувчиларнинг саволларига жавоб бериш. 4. Ўқувчиларнинг топшириқларни бажариши. 5. Бажарилган ишларни ўқитувчига топшириш. 6. Уйга топшириқ бериш. 7. Дарсни якунлаш.
- V. Муаммоли дарс: 1. Ташкилий қисм. 2. Муаммони баён қилиш. 3. Муаммони ҳал қилиш йўллари кўрсатиш ва ҳал этиш. 4. Натижаларни муҳокама қилиш. 5. Ўқитувчининг изоҳлаши ва умумлаштириши. 6. Уйга топшириқ бериш. 7. Дарсни якунлаш.

5-маъруза. Назарий таълим методлари.

Ўқитиш методлари таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятининг йўналишини, ўқитиш жараёнининг қандай ташкил этилиши ва олиб борилишини ҳамда ўқитувчининг иш ҳаракатларини белгилайди. Бу методлар ўқитувчи томонидан ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш учун қўлланадиган усуллар йиғиндисини ўз ичига олади.

Таълим тизимида ўқитиш методлари билан бирга «усул» ва «восита» атамалари ҳам ишлатилади.

Усул – маълум ўқув материални ўтишда қўлланаётган асосий ўқитиш методи билан бирга иккинчи бир ўқитиш методининг айрим элементларидан фойдаланиб иш кўришдир.

Восита – ўқитиш методларини амалга ошириш учун зарур булган ёрдамчи ўқув материаллари – асбоб, қурол, аппарат ва шу кабилардан фойдаланишдир. Таълим методлари ўқитиш жараёнида ва педагогик тафаккурнинг кўп асрлик ривожланиши тарихида муҳим ўзгаришларга дуч келди. Педагогикада таълим методларини тавсифлаш ва белгилашга бир хил ёндошиш мавжуд эмас. Айрим муаллифлар методларини белгилашда билиш манбааларининг хусусиятларини асосий деб ҳисоблайдилар: чунончи, оғзаки (сухбат, тушунтириш, баён қилиш, ўқувчиларнинг техник адабиётлар билан мустақил ишлаши ва бошқалар); кўргазмали (кўргазмали қурол, кинофильм ва диафильмларни намойиш этиш); меҳнат усулларини кўрсатиш ўқувчиларни мустақил кўзатишлари ва бошқалар); амалий (машқлар, операциялар, иш усуллари, амалий лаборатория машғулоти) ва бошқалар.

Кейинги пайтларда педагогика назарияси ва амалиёти ўқувчилар билиш фаолиятининг характери бўйича таснифланадиган методлар қўлланилмоқда.

Таълим жараёнида қўлланадиган методлар ўқувчилар фаоллигини ошириши, ўргатилаётган ўқув методларини ўқувчилар чуқур ўзлаштиришини таъминлаши лозим.

Тушунтириш – кўргазмали метод. Ўқитувчи ҳар хил воситалар ёрдамида ўқувчиларга тайёр маълумот беради ва улар маълумотни қабул қиладилар, англайдилар ва хотирада сақлайдилар.

Эслаш методи. Ўқитувчи топшириқлар тизими билан ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этади. Ўқувчи эса тасвирлар бўйича кўникма ва малакаларни эгаллайдилар. Ўқувчилар билимининг ҳажми ортиб борган сари биринчи методдан иккинчиси билан бирга фойдаланиш кўпайиб боради.

Муаммоли баён. Ўқитувчи муаммоли вазиятни вужудга келтиради, дарс давомида уни ҳал ўилиш йулларини тушунтириб боради ва ҳал қилади. Ўқувчилар ўқитувчи билан биргаликда муаммони ҳал қилишда фаол иштирок этадилар.

Тадқиқот методи ўқувчиларнинг янги муаммони ҳал қилишдаги мустақил изланиши ва ижодий фаолиятини ташкил этиш усулидир. Бунда ўқитувчи уларга тайёр муаммони баён қилмайди. Уни ўқувчиларнинг ўзлари ўқув материални ўзлаштириш жараёнида топадилар. Шундан сўнг ўқитувчи муаммоли вазиятни вужудга келтиради.

Анъанавий ўқитиш методлари – оғзаки баён қилиш, тушунтириш, сухбат, маъруза, ўқув адабиётини ўқиш; тажрибалар ўтказиш, натурал объектларни кўргазмали воситаларни намойиш этиш; машқ, ёзма иш, график иш, лаборатория ишлари – баён этилган методлар тизимида восита ва усул сифатида намоён бўлади. Ўқитувчи эса улар ёрдамида у ёки бу методлардан фойдаланиб дарсини юқори савияда ўтказади.

Амалий ўқитиш методлари.

Амалий метод деганда ўқув материални машқлар, мустақил топшириқлар, амалий ва лаборатория ишлари асосида ўзлаштиришнинг шакллари тушунилади. Ишлаб чиқариш таълимида бу методга иш усуллари, меҳнат операциялари, комплекс ишлар ва вазифаларни бажаришда мустақилликни ривожлантиришга қаратилган ишлар, тренажерларга оид машқлар, лаборатория – амалий ишларга эса технологик жараённи бошқариш машқлари киради.

Машқлар – кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш мақсадида муайян ҳаракатларни кўп марта такрорлашдир. Ишлаб чиқариш таълимдаги машқларга асосан қуйидаги талаблар қўйилади: машқларни ўқувчилар онгли ва мақсадга мувофиқ йўсинда бажаришлари; машқлар методикага асосланиши, тизимли, изчил, узлуксиз

бўлиши ва такрорланиши; ўқувчиларнинг ишдаги мустақиллиги мунтазам ривожланиб бориши керак.

Онглилик ва мақсадга мувофиқлик машқларни бажаришдаги энг муҳим талабдир. Ўқувчилар машқни нима учун кераклигини аниқ тасаввур қилишлари ва мақсадга эришишга фаол интилишлари лозим. Урганиладиган мезнат жараёнларининг илмий-техник асослари бажариш йуллари, ишда учрайдиган хатоларни билиш ўқувчиларга урганилаётган ҳаракатларни узлаштириш имконини беради.

Онглилик ва мақсадга мувофиқлик кўникмалар шаклланишининг дастлабки пайтларида айниқса катта аҳамиятга эга. Ўқувчилар машқ натижаларидан довдираб колмасликлари учун ўқитувчи, уста уларнинг кийинчиликлардан, кийинчиликларни энгиш йулларидан огохлантиради. Машқлар муваффақиятли утиши учун ўқитувчи ўқувчиларнинг тегишли натижаларга эришишдаги интилишларини куллаб кувватлаши керак. Машқларни тобора кийинлаштириб бориш зарур. Кўникмаларн ишакллантириш жараёни ўқув фаолиятида ҳал қилувчи рол уйнайди. Кўникма ҳосил қилишнинг мувоффақияти катор шартларга боғлиқ.

Биринчи шарт – кўникма нима мақсадда шакллантиришини англашдир. Хар қандай кўникма – автоматлашган даражага етказилган ҳаракатлар тизимидир. Агар ўқувчи материални узлаштиришда унинг аҳамиятини ташанмаса, унда бундай ҳаракатлар шаклланиши кийин бўлади.

Иккинчи шарт – машқларни тизимли булиши. Одатда кўникмалар ҳосил қилишдаги кийинчиликларга ўқув машқлари тизимини ташкил этиш ва уларни утказишдаги камчиликлар сабаб бўлади.

Учинчи шарт – амалий ҳаракатларини онгли равишда бажариш. Ўқувчи уз ҳаракатларини, иш операцияларини изчиллигини яхши тушуниши зарур, уларни механиқ тарзда такрорлашга ва ёдлаб олишга йул куймаслик керак.

Туртинчи шарт – дастлаб амалий ҳаракатлар ва операцияларга пухта тайёрланиш. Операциялар онгли равишда, режа асосида бажарилса, кўникма тезроқ ва мувоффақиятлироқ шаклланади. Ўқувчи узининг дастлабки ҳаракатларида хатога йул куймаслиги лозим, чунки уларни кайта ўрганишга тўғри келмайди. Дастлабки ҳаракатлардаги хато кейин такрорланиб, мустаҳкамланиб қолиши мумкин ва уни тузатиш кийин бўлади. Шу сабали ҳаракатларни бажараётганда операциялар тартибини овоз чикариб ёки чикармай гапириб туриш гоят фойдалидир. Ўқитувчи шу ҳаракатлар ва операцияларни эътибор билан назорат қилиб боради.

Бешинчи шарт – машқларни мустақил бажариш ва узини узи назорат қилиш. Ўқитувчи ўқувчига бундай назоратнинг усулларини ўргатиши зарур.

Олтинчи шарт – бажарилган машқлар, амалий ишларни таҳлил қилиш ва баҳолаш. Ўқув кўникма ва малакаларнинг ижобий ҳамда салбий жихатлари бўлади. Ўқувчилар типик хатоларга йул қуядилар. Дарсларда яхши ишларни намойиш қилиш, ижобий намуна асосида ўқитиш мақсадга мувофиқдир.

Кўникмаларни шакллантиришнинг мана шу шартларига риоя қилинса, ўқитишнинг амалий методлари ўқув материални мувоффақиятли узлаштиришга олиб келади.

Шаклланган кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришни таъминлашнинг асосий омиллари:

1. Кўникма ва малакаларнинг онгли, тушуниб ва мустаҳкам шаклланиши.
2. Уларни шакллантиришда узлаштирилган билимларга таянилиши.
3. Хатоларнинг олдини олиш, уларни уз вақтида тузатиш. Нотўғри иш усулларига йул куймаслик.
4. Ўқувчиларга ягона педагогик талаблар куйиш.
5. Топшириқларни секин-аста мураккаблаштириб бориш.
6. Машқлар учун ажратилган вақтдан тўғри фойдаланиш.

7. Малакалар тулик шакллангунича машқларни давом эттириш.
8. Ўқувчиларнинг эътиборлилиги.
9. Машқларнинг мунтазам равишда утказилиши

Ўқув материални муаммоли баён этиш.

Ўқув жараёнини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари – ўқувчиларнинг таълимий ишларини фаоллаштириш, муастақиллигини ривожлантириш, ўқитишнинг энг самарали шакл ва методларидан фойдаланишдир. Бу шакллардан бири ўқув материални баён этишни муаммоли қилиб тузатишдир. Бунда ўқувчи онгида муаммоли вазият ёки илмий изланишни эслатувчи вазифа шаклланади. Ўқувчининг узи саволга жавоб топишга, муаммони ҳал қилишга интилади. Одатда, у тўғри жавобни ўқитувчи ёрдамида топади. Аммо узи кидириб топишга интилиши ва ечим вариантларини топиши унда билиш фаоллигини, муастақил фикрлашни вужудга келтиради, унинг билиш фаолиятига ижодий тус беради.

Ўқитишда тафаккур янги ҳаракат усулларини ва узлаштирилиши лозим булган янги билимларни “кашф этиш”ларига хизмат қилади ва шунда ўқитувчиларда руй берадиган психик ҳолатни кетириб чиқарадиган муайян вазиятлар ҳамда уларга мос вазифалар муаммоли вазият ва вазифалар деб аталади. Шундай вазиятни яратиш ва уша муаммони ҳал қилишда ўқитувчининг тутган йули, усули муаммоли баён қилиш дейилади.

Муаммоли вазиятни вужудга келтириш ва муаммони ҳал қилиш асосида ташкил этилган ўқув жараёни муаммоли ўқитишдир.

Муаммоли вазифалар ва вазиятлар қуйидаги ҳолларда вужудга келиши мумкин:

Муайян маълумотлар бўйича ечимларни топиш учун муастақил изланишда;

Мавхум мазмуннинг муайян тасаввурлар билан боғланиши асосида;

Билимларни ўқувчиларнинг шахсий тажрибаси ва амалий ишлари билан боғлашда;

Топкирлик юзасидан топшириқлар, вазифалардан, муаммоли вазиятни уз ичига олган бошқа воситалардан фойдаланишда.

Мана шуларнинг ҳаммаси билиш ва кизиқиш фаоллигини келтириб чиқаради. Ўқувчилар узларида ечимни топиш учун зарур билимлар борлигини тушунадилар ва муаммо жавобнинг тўғри вариантини топишдан иборат бўлади.



1-расм. Ўқитиш методларининг таснифи

Таълимнинг муаммоли методларидан фойдаланишда материални узлаштириш ўқувчи тафаккурининг натижаси бўлади. Аммо ўқитувчилар шуни эсда тутишлари керакки, ўқувчилар узларича ҳамма нарсани «кашф этиш»га ва урганиб олишга кодир эмаслар. Улар ўқитувчи раҳбарлигида хулоса чикаради, коидаларни таърифлайди. Шу сабабли таълимнинг муаммоли методларидан фойдаланишда ҳам ўқитувчининг тушунтириши уз аҳамиятини йқотмайди.

Шу билан бирга ўқитиш методларининг қуйидаги таснифи ҳам мавжуд (1-расм). Унда методлар икки гуруҳга: билимларни дастлабки ўрганиш методлари ва билимларни мустаҳкамлаш ҳамда такомиллаштириш ва малакаларни шакллантириш методларига бўлинган. Уқиш жараёнида ўқувчиларнинг фаоллик даражасига қараб биринчи гуруҳдаги методлар яна иккига бўлинади, бўлар маълумотли – ривожлантирувчи, муаммоли изланишли методлардир.

Анъанавий таълимда маълумотли – ривожлантирувчи методларнинг салмоғи анча катта. Бундай дарсда ўқувчига нисбатан ўқитувчи фаолроқ қатнашади.

Билимларни мустаҳкамлаш ва кўникмаларни шакллантириш учун қўшимча репродуктив методдан фойдаланилади. Бу метод ўқув материални айтиб бериш ва эса саклашга, ижодий тафаккурнинг ривожланишига, мустақил билиш фаолиятини қўлайтиришга қаратилган бўлади.

Лекин ўқитиш методлари тургун, доимий эмас, улар кейинги пайтларда ривожланиб фаол ўқитиш методлари шаклида намоён бўлмоқда.

Фаол ўқитиш методлари ўқув материални эгаллаш жараёнида ўқувчиларни фикрлаш ва билиш фаолиятига ундайди.

Фаол ўқитиш методидан қуйидаги фойдаланилади:

А). Ўқитувчи ўқув материални қайта гапириб бериш ва эса саклаш учун тайёр билимларни намоёниш этмайди;

Б). У ўқув материални шундай баён қиладики, ўқувчилар фаол билиш ва амалий ишлар жараёнида мустақил билим ҳамда кўникмаларни эгаллайди (2-расм).

Фаол ўқитиш методларининг хусусияти, улар асосида амалий ва фикрлаш фаолиятига интилиш ётишидир. Бу методлардан дарснинг ҳар хил босқичларида: билимларни дастлабки ўрганишда, мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришда, кўникама, малакаларни шакллантиришда фойдаланиш мумкин.

Лекин ўқув жараёнида фақат фаол ўқитиш методларидан фойдаланмаслик, балки у билан анъанавий ўқитиш методларидан ҳам фойдаланиш керак.

6-март. Қасб-ҳунар коллежларида ўқув режалаштириш ҳужжатлари.

Қасб – ҳунар коллежларида фанлардан назарий дарсларни утишда

1. Перспектив мавзулар режаси
2. Қўндалик дарс режаси
3. Дарс конспекти
4. Назарий дарсларни ҳисобга олиб бериш журналларидан мунтазам фойдаланилади.

Перспектив мавзулар режаси ўқув материални тўғри тақсимлашда айти фанни бошқа фанлар ва ишлаб чиқариш таълими билан боғлашда, дарсга қарақли ўқув материаллари ва жиҳозларни тайёрлашда ёрдам беради, уқиш жараёнининг самарадорлигини ошириш шароитини яратиш имконини беради.

Перспектив мавзулар режасининг асосини мавзулар бўйича дарслар тизими ташкил этади. Мазкур режани ўқитувчи фаннинг ўқув режаси ва дастурига асосан дарслар бошланғунича тузади ва унда қуйидагилар қўзда тутилади:

машғулот ўқув ишларини бажариш учун ташкилий қисм;

дарсда ўқувчиларнинг мустақил ишлаши;
фанлараро ва фан ичидаги боғланишларни белгилаш;
тарбиявий ишни перспектив режа билан боғлаб олиб бориш;
ишлаб чиқариш таълими билан боғланиш;
курғазмали кулланмалар, дидактик материаллар ва таълимнинг техник воситаларини белгилаш;
уйга топиширқ;
маълумотнома ва методик адабиётлар.

Режанинг компонентлари ўқув фани ва мавзу материалнинг мазмуни, билим юртининг ўқув моддий базаси, ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига қараб аниқланади. Перспектив мавзулар режаси методика кенгашида куриб чиқилади.

Перспектив мавзулар режаси такроран фойдаланадиган ҳужжат бўлиб, унга мунтазам равишда узгартиш ва қушимчалар киритиб борилади.

Н. М. Белоусова 1-жадвалдаги перспектив мавзулар режасини тавсия этади (1-жадвал).

Режанинг булимлари қуйидагича тулидирилади:

1. Дарснинг тартиб номери каср сифатида – суратга дарсларнинг мавзу бўйича ва махражга фан бўйича тартиб номерлари ёзилади. Масалан, 3/20, бунда 3-мавзу бўйича ва 20-фан бўйича тартиби.
2. Мавзу, дарснинг асосий масалалари. Мавзу ёзилгандан кейин, дарснинг асосий саволлари ёзилади, лекин дастурнинг ҳаммасини ёзиш шарт эмас.
3. Ўқув ишини ташкил этиш шакли. Таълимнинг ташкилий шаклини ўқув-тарбия мақсадларига қараб ва ўқитиш методлари ҳамда ўқув материалнинг мазмунига боғлиқ бўлади.
4. Ўқувчиларнинг мустақил иши. Бунда уларнинг китоб, жадвал, топшириқ, кинофильм, диафильм плакат ва хоказолар билан шугулланиши фойдаланади.
5. Касб-ҳунар коллежининг тарбиявий иш режаси билан боғланиши. Бу булимни тулдиришда касб-ҳунар коллежининг тарбиявий иш режасидан фойдаланилади ҳамда боғланиш ҳар бир дарс учун эмас, балки бир мавзу учун ёзилади.
6. Фанлараро ва фан ичидаги боғланишлар. Бу булимда урганилаётган фаннинг умумтаълимий, умумтехник ва бошқа махсус фанлар билан боғланишлари курсатилади.
7. Ўқитишнинг техник воситалари, курғазмали қурол ва кулланмалар.
8. Амалий ишлаб чиқариш таълими билан боғланиши. Бу булимда урганилаётган ўқув материални ишлаб чиқариш таълимида бажариладиган топишириқлар билан боғланиши курсатилади.
9. Уйга топшириқ. Мустақил ишлашда фойдаланиладиган адабиётларнинг номлари, нашриётлари, чиккан йиллари, қайси бетларидан фойдаланиш кераклиги фойдаланади.

Дарснинг мақсади учта: таълимий (ўқитиш), тарбиявий ва ривожлантириш мақсадларига булинади.

Таълимий мақсадга умуман қуйидагилар киради:

- янги тушунчаларни шакллантириш;
- янги қонун, қонуният, хусусият ва белгиларни узлаштиришни таъминлаш;
- янги ҳаракат усулларини ўргатиш;

- билимлардаги етишмовчиликларни бартараф этиш;
- билимларни умумлаштириш ва тизимга солиш;
- малакаларни шакллантириш;
- маълум ҳаракат усуллари мутахкамлаш;
- тушунчалар орасидаги боғланишларни аниқлаш бўйича ўқувчиларда бирор нарса тўғрисида тушунчаларни шакллантириш;
- дунёқараш ғоялари ва муаммоларини аниқлаш;
- ўқувчиларда у ёки бу ҳаракатни, воқеаларни баҳолаш бўйича билимларни шакллантириш;
- ҳулоса чиқаришга тайёрлаш, узлаштиришга эришиш.
- Тарбиявий мақсад ўқувчиларда қуйидаги муайян шахс сифатлари ва характери таркиб топтиришдан иборатдир;
- дунёқарашни ва касбга кизикишни;
- уз-узини текшириш ва узаро ёрдамни;
- воқеликлар орасидаги боғланишларни аниқлаш ва таҳлил қилиш кўникмаларини;
- бир соҳадан иккинчи соҳага билимларни кучириш кўникмаларини;
- фанлараро боғланишларни амалга ошириш кўникмаларини;
- нутқ маданиятини;
- ватанпарварликни;
- меҳнатга онгли муносабатни;
- онгли интизом ва яхши ҳулкни;
- таълим олишга ижобий муносабатни;
- эстетик қарашларни;
- иш урнини ташкил этиш ва уз фаолиятини текширишни;
- эътиқодни.

Таълимнинг мазмуни ҳаёт ва замон билан узвий боғланса, у тарбиялаш хусусиятига эга бўлади.

Ривожлантириш мақсади – дарс жараёнида ўқитувчиларнинг психологик сифталарини диққат, хотира, тафаккур ва билиш қобилиятларини шакллантиришдир.

Психологик адабиётларни таҳлил қилиш ўқувчиларда тафаккурни, политехник, меҳнат, билиш ва ақлий кўникмаларни, ирода ва мустақилликни ривожлантириш, уларни келгуси дарсларга тайрлаш зарурлигини курсатади.

Агар билимларни шакллантириш ва мақсадли тарбиялаш ўқувчиларнинг билиш қобилиятини такомиллаштиради, буни ривожлантирувчи таълим деб тан олинади.

Энди намуна сифатида айрим фанлар бўйича дарс режаларини куриб чиқамиз.

Кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш ҳамда такомиллаштириш.

Ўқитувчи дарсни ўқувчилар урганилаётган материални равшан англабгина қолмай, уни аниқ такрорлаб ҳам бера оладиган, билимларни келгуси ўқув ишларида ва амалда қўлай оладиган йусинда ташкил этиши керак.

Билимларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришда ўқувчилар уларни дастлаб қандай узлаштирган бўлсалар, худди шундай айтиб беришлари, уларга аниқлик мукамаллик киритишлари лозим. Таълимий ишнинг ана шу босқичида янги ўқув материали билан илгари узлаштирилган материалларни узаро чамбарчас, ўқувчилар яққол тушунадиган йусинда боғлаш уларнинг фандан олган билим ва кўникмаларини бойитади, кенгайтиради ва янада шакллантиради.

Ўқитиш даврига, урганилаётган материал мазмунига қараб билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш ҳамда такомиллаштириш ҳар хил дидактик мақсадларга эга

булиши мумкин. Ўқитишнинг дастлабки босқичларида, шунингдек, тасвирий материални ўрганишда билимларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш репродуктив характерга эга булиши мумкин. Бунда ўқувчилар топшириқни ўқитувчи берган намуна асосида бажарадилар, билимларни дастлаб қандай идрок этган бўлсалар, ана шу ҳолда татбиқ қиладилар. Шундан кейин ўқувчилар топшириқларга ижодий ёндошадилар ва узига хос йуллар билан бажарадилар, муаммоларни ҳал қилишнинг янги усуллари топадилар. Лекин бундай билиш фаолияти уларда муайян билимлар ва уларни куллаш тажрибаси булишини, сабаб-натига боғланишларини чуқур тушунишни талаб қилади.

Ўқитувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш ҳамда такомиллаштириш, асосан, уларнинг мустақил ишлари орқали амалга оширилади. Ўқувчилар мақсадга онгли ва фаол интиладилар, пайдо бўладиган кийинчиликларни бирор кишининг ёрдамисиз енгадилар. Ўқитувчи мустақил ишлаш учун топшириқлар тузади, уларни бажариш тартибини режалаштиради, вақти-вақти билан топшириқларнинг мураккиблик ва кийинлик даражасини узгартириб туради, иш вақтида ўқувчиларни кузатиб, зарур ҳолларда уларга ёрдам беради.

Билим кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш ҳамда такомиллаштиришни тўғри йулга куйиш ўқувчиларда меҳнат маданиятини, дарсга маъсулиятли муносабатни таркиб топтиради, фикрлашни, хусусан техник фикрлашни ривожлантиради.

Техник фикрлашнинг хусусиятлари ўқув ишининг методик усуллари, хусусан билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш ҳамда такомиллаштириш тизимини белгилайди.

Билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш ҳамда такомиллаштириш тизими ҳар хил машқларни бажариш, урганилган материални ўқув машғулотларида такрорлаш ва уйга берилган топшириқларни бажаришдан иборатдир.

7-маъруза. Билим, кўникма ва малакаларни текшириш методлари.

Ўқувчиларнинг билим, кўникма ҳамда малакаларини текшириш оғзаки, ёзма ва амалий булиши мумкин. Ёзма текшириш ва мустақил ишлар билимларни текширишнинг асосий шакллари ҳисобланади.

Ёзма текшириш ўқувчиларнинг билимлари сифатини: тўғрилиги, аниқлиги, англаб олингани, амалга тадбиқ этилиши тўғрисида бир фикрга келиш ва қисқа вақт ичида гуруҳдаги барча ўқувчилар билимини текшириб куришга имкон беради. Ёзма текшириш, асосан ёзма график ишларни бажартириш билан амалга оширилади. Ёзма текшириш ишлари икки хил булиши мумкин: мавзу бўйича ва якуний текшириш ишлари гуруҳ мавзуни урганиб булгандан кейин, якуний текшириш бир неча мавзу утиб булингандан кейин утказилади.

Ўқувчилардан якка тартибда ва фронтал сураш билимларни жорий, мавзу бўйича, якуний текширишнинг кенг тарқалган шакллари дир. Савол ҳам ўқувчиларга берилади.

Якка тартибда сураш чогида ўқувчи доска олдида жавоб беради. Унинг жавобини бутун гуруҳ эшитиб туради. Ўқувчилар йул куйилган хатоларни тўғрилайдилар, кушимчалар ва изоҳларни киритадилар. Якка тартибда сурашда дарснинг ҳам куп вақти кетади. Бунда гуруҳдаги ўқувчиларнинг билиш фаоллиги сусаяди. Аммо ундан бутунлай воз кечиш ярамайди, якка тартибда сурашнинг аҳамияти ўқувчиларнинг нутқини, хотирасини ва тафаккурини ривожлантиришдадир. Якка тартибда сураш вақтида барча ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш керак.

Якка тартибда сурашдан ташқари, оғзаки текшириш ҳам ўқитувчининг гуруҳ билан суҳбати шаклида амалга оширилади. Бу ҳолда ўқитувчининг саволларига қисқа жавоблар кайтарилиши лозим, шунда суҳбатда купрок ўқувчи иштирок этади. Бундай сураш, якка тартибда деб аталади. У утилган материални такрорлаш билан узвий кушиб олиб

борилади, натижада билимлар эсан чикиб колишининг олди олинади ва улар мустахкамланади.

Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини амалда текшириш ўқувчилар олган билимларини тегишли шароитда қандай тадбиқ эта билишларини аниқлаш мақсадида утказилади. Бундай текширишда ўқувчилар уз билимларининг тўғрилигига ва уларни мустахкамлашни давом эттириш зарурлигига ишонч хосил қиладилар.


Кейинги йилларда ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини амалда текширишнинг методлари, шакллари ҳамда воситаларини такомиллаштириш бўйича педагогика амалиётида анча ишлар қилинди. Бу борада янги тадбирларни излаш натижасида катор ўқув юртларида махсус назорат қилувчи курилмалар ёрдамида сураш усули куллана бошланди. Шулардан бири тест ёрдамида текширишдир.

Ўқувчилар билимини текширишдан мақсад – уларнинг узлаштириш даражасини аниқлашдир. Тестларнинг узлаштириш даражаси бўйича таснифи 3-расмда берилган. Унда узлаштиришнинг даражаси, тестларнинг тури ва хар хил курунишлари акс эттирилган.

1 даражали узлаштириш тестлари қуйидагиларни уз ичига олади:

1. Аниқлаш тестлари. Ўқувчиларга саволлар берилади. Улар “ХА” ёки “ЙУК” деб жавоб беришлари керак бўлса, альтернатив топшириқлардан фойдаланилади.
2. Фарклаш тестлари. Бу тестда куп танлаб олинандиган топшириқлардан бир неча жавоблардан битта танлаш таклиф этилади.
3. Ухшаш (солиштириш) тестлари. Бунда урганилаётган объектнинг умумийлигини ёки тафовутларини топиш керак бўлади, солиштириладиган хусусият ва параметрлар албатта топшириқда берилади.

Ухшатиш тестларини тузиш кийинчиликлар тугдирмайди ва машинага осон киритилади. Бунда жавоблар куплиги учун ўқувчилар уйлашга, фикрлашга мажбур бўладилар. Шу билан бирга, 1 даражали узлаштиришга жавобларни танлаш бўйича тест-масалалар ҳам киритилади. Уларда жавоблар бир неча вариантда харф ёки ракамлар билан берилади. Ўқувчи масалани ечиб қайси жавоблар тўғрилигини аниқлаши керак.



3-расм. Тестларнинг таснифи.

Тестларни бажаришда ўқувчи фаолиятининг характери бўйича танлаш тестларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Суз, харф ва сонлар билан белгиланган жавобларни танлаш.
2. График шаклда берилган жавобларни танлаш.
3. Кетма-кетликни танлаш.
4. Берилган улчамлардаги аниқ факторларнинг таъсири характерини танлаш.
5. Предметни танлаш.
6. Масалани ишлаш натижалари бўйича сон ёки харфларни танлаш.

Тестлардаги топширқларни хилма хил булишига қарамай, уларни структураси жихатидан иккита асосий қисмга: танланадиган ва жавоби конструкцияланадиган топширқларга бирлаштириш мумкин.

Тестли назорат билимларни аниқлашда яхши натижа беради, лекин тафаккур жараёнини кузатишга монелик қилади, бунинг учун бошқа усуллардан – ёзма иш, мунозаралар, ишлаб чиқариш вазиятларини таҳлил қилиш ҳамда мулоқотлардан фойдаланиш керак. Лекин шу билан бирга билимларни тестли назорат қилиш таълим жараёнини бошқариш имконини кенгайтиради. Тестларин куллаш ўқувчиларнинг амалий қобилияти ва хотирасини ривожлантиради.

8-маъруза. Касб-хунар коллежларида ўқитиш жараёни

Хар томонлама камол топган техникадан маълумоти булган ишчилар тайёрлаш масаласи, аввало, ўқитиш жараёнида ҳал қилинади.

Ўқитиш жараёни педогогнинг (ўқитувчи, устанинг) ва у раҳбарлик қилаётган ўқувчиларнинг билим, ўқув ҳамда малакалар системаларини онгли равишда ва пухта узлаштиришга қаратилган изчил ҳаракатлари мажмуидан иборат.

Касб-хунар мактабларидаги таълим ўқувчилар шахсини шакллантиришнинг, уларни аклий ва жисмоний камол топтиришнинг умумий ҳамда махсус билим беришнинг энг муҳим воситасидир. Ўқитиш жараёни давомида ўқувчиларининг билиш кучлари ривожлантирилади.

Таълим беришда унинг икки томони: ўқитиш ва ўқиш томонлари ҳамма вақт равшан ажралиб туради.

Ўқитиш-ўқитувчининг ўқувчиларга билим, ўқув ва малакалар системаси бериш, уларнинг билиш ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш борасидаги фаолияти.

Ўқиш-ўқувчиларнинг ўқув фани материални узлаштириш борасида қиладиган системали ва онгли меҳнати.

Ўқитиш мазмуни ҳамма вақт тегишли ўқув фани программаси билан белгиланишини, ўқувчиларнинг ўқишини эса ўқитувчи йулга солиб туришини назарда тутиб, мувофаккиятли таълим беришнинг асосий шарти таълим бериш мазмуни, ўқитиш ва ўқиш орасидаги чамбарчас узвий боғланиш деб ҳисобламоқ керак.

Мактабнинг, шу жумладан, касб-хунар мактабининг ҳам, асосий вазифаси ушиб келаётган авлодни ўқитиш ва тарбиялашдан иборат. Ўқитиш жараёнини ўрганиш объекти сифатида ажратиб курсатиш асло таълимни тарбияга қарши қуйиш булмайди. Ўқитувчи ўқувчиларга янги материални тушунтирар, уларнинг кузатишларини, мустақил ишларини ва фаолиятларини ташкил этар экан, уларда урганилаётган объектларга маълум даража ёндашиш қобилиятини, атрофдаги нарса ва ходисаларни мулоҳаза қилиш ҳислатларини шакллантиради, уларни меҳнатга онгли муносабатда бўладиган қилиб тарбиялайди, уларнинг иродаси ҳамда характерини чиниктиради. Бинобарин, ўқитувчилар ўқувчиларга таълим берар экан, уларни тарбиялайди ҳам. Таълим хамиша тарбияловчи характерда бўлади. тарбия билан таълим орасидаги чамбарчас боғлиқлик, боғқача айтганда, таълимнинг тарбияловчи характери ўқитиш жараёнининг асосий объектив қонуниятларидан биридир. Таълим, бу масалага ўқитувчи қандай қарашидан қатъий назар, доимо ўқувчиларни тарбиялайди. Тарбияловчи таъсир таълимнинг ажралмас йулдошидир. Агар ўқув жараёнида ўқувчиларнинг билиш кучларини ривожлантириш, уларда диалектик-материалистик дунёқараш ҳосил қилиш учун яхши шароит яратилса, таълимнинг тарбияловчи таъсири бирмунча ортади.

Ўқитиш жараёнида тарбиялаш дастурида, дарсликларда, ўқитувчининг иш материалларида гоёвий аҳамиятли ўқув материали танлаш, ўқувчилар активлигини кузгатадиган ва уларнинг аклий ҳамда жисмоний меҳнатда мустақил булишни таъминлайдиган ўқув методларини куллаш, ўқитиш ва меҳнатни ҳар қайси ўқувчининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолдаташқил этиш йули билан таъминланади. Касб-хунар мактаблари шароитида ўқувчиларини тарбиялашнинг муҳим омили уларнинг доимо унумли меҳнатда иштирок этишидир. таълим бериш жараёни тарифланар экан, ўқитувчи ўқитишнинг ички механизмларини билгандагина, ўқув жараёни вақтида идрок этилганларнинг ҳаммаси ўқувчи онгида акс этиши ва узгариши қандай содир булишини тушингандагина ўқитиш самарали булиши мумкинлигини ҳам таъкидлаб утиш лозим. Ана шунинг учун ҳам ўқитувчилар педогогик психология билимларини чуқур эгаллаши зарур.

Ўқувчиларни билимларни узлаштириб, объектив дунёни билиб оладилар. Шу нуктаи-назардан олганда, билимларнинг узлаштирилиши билиш турларидан биридир. Билишнинг умумий қонуниятлари ўқувчиларнинг билиш фаолиятига ҳам боғлиқдир.

Аммо билимларни узлаштириш жараёнининг узига хос хусусиятлари ҳам бор. Ўқувчилар, асосан, билганларини ўқитувчи раҳбарлигида узлаштирадилар, шу сабабли Ўқувчиларнинг субъектив янги нарсани билиш жараёни объектив янги нарсани билиш жараёнига караганда энг қисқа йул билан содир бўлади. Ўқувчилар фанларнинг асосларини узлаштирадилар, улар олдида янги ҳақиқатни кашф этиш вазифаси турмайди. Билимларни узлаштириш жараёнида мушоҳада юритиш ўқувчиларнинг сезиш тажрибасини бойитади. Билимларнинг каттагина қисмини ўқувчилар бевосита кузатиш асосида эмас, балки билвосита йул билан, яъни, асосан, педогокнинг тушинтириши, китоблар, дарсликлар уқиш орқали узлаштирадилар. Ўқувчиларнинг таълим жараёнидаги практикаси ҳақиқат мезонлигича қолади, аммо у, аввало, билим, ўқув ва малакаларини ошириш воситаси ҳисобланади.

Ўқитиш жараёнини куриб чиқшда, ўқув иши назариси ва практикасининг туб проблемаларидан бири ҳисобланган ўқитишнинг боришидаги асосий йўналиш тўғрисидаги масала алоҳида ажралиб курсатилиши керак. Таълим беришда ўқувчиларни инсоният туплаган ва системага солинган билимлар билан қуроллантириш зарурлигига асосланиш керакми ёки ўқувчилар қобилиятини ривожлантиришга асосланиш керакми?

Хозирги замон талаби билимларни узлаштиришни ва ўқувчиларнинг билиш қувватларини ривожлантиришни ягона ўқитиш жараёнининг икки томони деб қарайди. Ўқувчиларнинг ақлий камол топиши қўллар билан боради, бу йулларнинг асосийси-фан ва техника асосларини уларнинг етакчи гоёлари ҳамда йўналишлари нуктаи-назаридан узлаштириш. Объектив оламни билиб, шу билан бирга уз қобилиятларини ривожлантириб, ўқувчилар атрофдаги нарса ва ҳодисаларни урганиш методларини, шунингдек, уларга таъсир этиш усулларини билиб оладилар.

Ўқитиш жараёнининг бу қонуниятлари касб-ҳунар мактабларида малакали ишчилар тайёрлашга ҳам тула тааллуқлидир. Аммо таълимнинг ривожланаётган бошланғич даврининг ниҳоятда муҳим эканлигини эътибор этиш билан бирга (бу даврда шахснинг мукамал шаклланиши, доимий уз-узидан такомиллашиш қобилияти таъминланади), касб-ҳунар коллежларида ўқув жараёнини ташкил этишда ўқувчиларнинг билим олишларига, уларда малакалар ҳосил қилинишига қўпроқ урин бериш керак. Бунинг сабаби шуки, нисбатан қисқа вақт ичида фан ва техника асосларинигина узлаштириб қолмай, балки ишлаб чиқаришнинг тегишли соҳасидаги техника ва технологияни ҳам яхши биладиган, муайян характердаги ишларни сифатли бажаришга оид конкрет ўқув малакаларга эга бўлган малакали ишчи тайёрлаш зарур. Бу нарса ўқув иши мазмуни, форма ва методларини аниқлашда уз ифодасини топади.

Билимларни узлаштириш ўқувчилар ақлий фаолиятининг илгари силжишига ва унда янги сифат хусусиятлари пайдо бўлишига, яъни унинг чинакам камол топишига ҳамма вақт ҳам ва бирданга олиб келавермайди. Шу муносабат билан ўқув жараёнининг харакатлантирувчиқувчини ва ўқитишда содир бўладиган барча мураккаб ҳодисаларни тушиниш муҳимдир.

Ўқув жараёнига ҳам муайян объектив қарама-қаршилиқлар хос бўлиб, улар орасидаги нисбат таълим беришдаги зиддиятларни ташкил этади. уларнинг энг муҳимлари жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Ўқитиш мақсадларининг зиддиятлари (масалан, Ўқувчиларнинг ҳар томонлама умумий камол топиши ва уларнинг муҳим кизиқиш ҳамда қобилиятларининг чуқурроқ ривожланиши; тайёргарликнинг политехник йуналганлиг ва конкрет ихтисосликнинг эгалланиши);
- Ўқув жараёни моҳиятининг зиддиятлари (чунончи, ўқитиш ва уқиш);

- урганиладиган ўқув материали мазмунидаги зиддиятлар (масалан, илмий информациянинг усиб борувчи оқими ва ўқув дастурининг чекланганлиги; илм ва техниканинг мутассил тараккий этиб бориши ва ўқув хужжатларининг вақти-вақти билан янгилашиб бориши);
- айна босқичда ўқувчилар олдида турган билиш вазифалари билан ўқувчиларнинг билим, ўқув ва малакалари даражаси орасидаги зиддиятлар;
- Ўқитиш методларидаги зиддиятлар (жумладан, ўқитувчининг рахбарлик роли ва ўқувчиларда мустақилликнинг ривожланиши);
- Ўқитишнинг ташкилий формалардаги зиддиятлар (чунончи, ўқитишнинг фронтал усули ва билимлар олишнинг индивидуал характери).

ўқитиш, яъни ўқитувчи фаолияти нуқтаи назардан, ўқув жараёнларинингграёни қуйидаги булимларни уз ичига олади:

- Ўқувчиларга ўқув материални баён этиш ёки уларнинг билимларини мустақил узлаштиришидаги фаолиятига рахбарлик қилиш;
- Ўқувчилар билимини пухталаш ва такомиллаштиришга рахбарлик қилиш;
- Ўқувчиларнинг уз билимларини амалда тадбиқ этишдаги фаолиятига рахбарлик қилиш, ўқувчиларда ўқув ҳамда малакалар хосил қилиш;
- Ўқувчилар кулга киритган ютуқларни анализ қилиш, уларнинг билим, ўқув ҳамда малакаларини текшириб, баҳо қуйиш.

9-маъруза. Ўқитишнинг ташкилий шакллари.

Ўқитишнинг ташкилий шакллари деганда, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг махсус ташкил этилган, белгиланган тартибда ва муайян режимда утадиган фаолияти тушинилади.

Ўқитишнинг у ёки бу ташкилий формаси коллектив ва индивидуал ўқитишнинг хар хил қуринишда қушиб олиб борилиши, ўқитишда ўқувчилар мустақиллигини турли даражаси, ўқувчиларнинг уқишига ўқитувчи рахбарлигининг хар хил усуллари билан характерланади. Ўқитишни ташкил этиш формаларини танлаш таълим-тарбиявий вазифалар билан белгиланади ва ўқув ишининг мазмуни ҳамда методларига боғлиқ бўлади.

Касб-ҳунар коллежларида ўқитиш синф-дарс системаси деб аталадиган системада олиб борилади. Касб-ҳунар коллежларида тадбиқан олганда, синф-дарс системасида ўқувчиларни уларнинг тайёргарлик даражасига, урганадиган касбига, баъзи касблар учун эса- жинси ва ёшига мувофик гуруҳларга ажратиш кузда тугилади. Хар бир ўқув гуруҳининг таркиби ўқитишнинг бошидан охиригача узгармайди. Машғулотлар катъий жадвал асосида ўқитувчи рахбарлигида олиб борилади. Урганиладиган материал қисмларга-хар бири муайян мақсадни кузда тутган дарсларга таксимланади.

Синф-дарс системасида ўқув ишини ташкил этишнинг асосий формаси дарсдир. Дарс деганда маълум вақт ажратилган ва узгармас таркибли ҳамда тайёргарлик даражаси бир хил булган ўқувчилар гуруҳи билан ўқитувчи утказадиган ўқув жараёнининг бир қисми тушинилади.

Хар бир дарс қуйидаги талабларга жавоб бериши керакки, бу талабларга риоя қилиш бутун таълимнинг самарадорлигини оширади

Мақсад ва мазмуннинг аниқлиги. Бу талаб дарснинг бутун ўқув материални ва унинг хар қайси қисмини тўғри танлаш йули билан таъминланади. Дарсда урганиладиган (мустаҳкамланадиган, такрорланадиган) материал нисбатан тугал, мустақил булиши, дарслар системасида муайян урин тутиши ва уз дидактик йўналишига эга булиши, яъни ўқувчиларга янги материални баён этиши, билимларини мустаҳкамлаши ва системага солиши, бу билимларни тадбиқ этиш ўқуви хосил қилиш лозим ва хоказо.

Таълим ва тарбиявий вазифаларнинг ажралмаслиги. Юқорида таъкидлаб утилганидек, таълимнинг тарбияловчи характери унинг объектив қонуниятини саналади. Аммо, шунга карамай, ўқитувчи хамиша ўқувчиларнинг тафаккури, хотираси, диққат-эътибори, иродаси ва бошқа хислатларини, билиш фаолиятини, ижодини, ишда мустақиллиги ва шу каби фазилатларини ривожлантириш учун дарсда ҳар қандай имкониятдан фойдаланишга мажбур.

Дарснинг ҳар қайси босқичида ўқитишнинг энг муҳим маъқул методларини танлаш. Ўқитиш методларини танлаш купгина факторга: ўқув материалнинг мазмунига, дарсдан кузда тутилган мақсадга мақсадга, дарснинг ўқув материаллари билан таъминланганлик даражасига, ўқувчиларнинг тайёргарлик савиясига, ўқитувчи тажрибасига ва шу қабиларга боғлиқ. Ўқитиш методини танлаш ўқитувчининг Юқори меҳнат унумдорлигини ва ўқувчиларнинг максимал активлигини таъминлаши керак, бу эса ўқувчиларга чуқур ҳамда пухта билимлар беради, олинган билимларни амалда тадбиқ этиш ўқувларини ҳосил қилади.

Дарсда ўқувчиларнинг коллектив ва индивидуал ишини тўғри кушиб олиб бориш. Бу талаб ўқитишни индивидуаллаштириш даражасини ошириш зарурлигини такозо қилади. ўқитувчи бутун гуруҳга ўқув материални маълум қилар экан, одатда, уртача ўқувчини назарда тутди. Аммо, конкрет ўқувчилар ана шу уртача ўқувчидан куп жихатдан фарк қилади. Шунинг учун ўқитувчи бутун гуруҳга билан фронтал иш олиб бориши билан бирга, дарсда индивидуал топшириқлар бўйича мустақил ишлашни ҳам кенг жорий қилиши, индивидуал назорат утказиши, уй топшириқларини индивидуал бериши ва уларнинг бажарилишини индивидуал текшириши лозим ва хоказо.

Ташкил этишнинг аниқлиги. Бу талабнинг бажарилиши дарсга ажратилган ҳамма вақтдан ўқувчилар билан ишлаш учун энг самарали фойдаланишга имкон беради. бунга ўқитувчи ва ўқувчиларнинг дарсга яхшилаб тайёрланиши, дарсни жуда яхши моддий-техникавий таъминлаш, унинг барча элементлари структурасини пухта тузиш ва дарсни аниқ ташкил этиш орқали эришилади.

Юқорида келтирилган талаблар дарс тўғрисидаги тушинчани чекламайди ва тула очиб бера олмайди. Дарслар бир-биридан мазмуни, мақсади, структураси, ташкил этилиши, утказилиш методлари ва бошқа жихатидан фарк қилади, ўқитувчиларнинг шахсий фазилатларига боғлиқ булган субъектив аломатлар тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Шунинг учун дарсларни классификациялаш тўғрисидаги масала муҳимдир.

Педагогика адабиётида дарсларни уларнинг белгиловчи ҳар хил аломатлари асосида классификациялашнинг турли вариантлари келтирилади. Бундай аломатлардан бири урганиладиган материалларнинг мазмунидир. Бу аломатга кура классификациялаш умумтехника ва махсус фанларга оид энг тула характерлаб бера олган бўлар эди. Ахир, улар урганиладиган материалларнинг мазмуни жихатидан бир-биридан фарк қилади. Шу муносабат билан урганиладиган материалларнинг мазмунини ҳам классификациялаш лозим. Умумтехника ва махсус фанларнинг ўқув материални дидактик анализ қилишга интилиб курилди. Шу позициялардан караганда дарслар классификацияси техника, технология дарсларини, хом ашё ва материалларни, ишлаб чиқариш экономикаси ва ташкил этилишини ўрганиш дарсларини уз ичига олган бўлар эди. Аммо бундай классификацияни афтидан асос қилиб олиб булмайди, чунки у хаддан ташқари умумийдир. Бундан ташқари, умумтехника ва айникса, махсус фанларни ўрганишда утказиладиган аниқ дарслар купгина ҳолларда турли мазмундаги материални уз ичига олади: техника масалалари технология билан бирга, купгина махсус материаллар техонлогия билан параллел, ишлаб чиқаришнинг аниқ экономикаси ва ташкил этилиши эса тегишли технология масалалари билан биргалиқда урганилади.

Дарсларни классификациялашнинг бошқа бир аломати уларни утказиш усуллари. Утказиш усуллари, деганда, ўқитувчининг маълум мақсадга қаратилган фаолиятида, дарсни утказиш услубида ифодаланган ташкилий ва бошқа моментлар мажмуи тушунилади. Шу нуктаи назардан дарсларнинг қуйидаги типлари бўлади: лекция дарси, суҳбат дарси, экскурсия дарси, кинодарс, ўқувчиларнинг мустақил ишлари дарси, лаборатория иши,

амалий иш, аралаш дарс. Бу классификацияни семинар дарслари, назорат ишлар, синовлар, мунозара дарслари, демонстрация дарслари ва шу кабиларни кушиб кенгайтириш мумкин.

Бундай классификацияни ҳам асосий классификация сифатида қабул қилиб бўлмайди. Бунга сабаб шуки, биринчидан, у барқарор бўла олмайди, чунки илгор педагогик тажриба дарсларни утказишнинг янги, оригинал усулларини илгари суряпти, иккинчидан, иш тажрибасида бундай дарслар «соф» ҳолда жуда кам учрайди, уларнинг қўчилиги, гарчи айрим ҳолларда лекция дарси, экскурсия дарси, семинар дарси, синов дарси ва шу кабилар таълимнинг муайян босқичларида анчагина урин олиш мумкин бўлса-да, аралаш дарслардир.

Дарсларнинг асосий дидактик мақсад бўйича классификациясини энг маъқул деб ҳисобламоқ керак. Бу классификация, бошқа ҳамма нарсадан ташқари, дарснинг ўқув жараенидаги урнини ҳисобга олади. Бу аломатга кура дарсларнинг қўидаги типлари мавжуд: янги материалларни баён этиш дарслари; билимларни пухталаш ва татбиқ этиш дарслари; такрорлаш-умумлаштириш дарслари; ўқувчиларнинг билим, ўқув ҳамда малакаларини текшириш (контрол-текшириш) дарслари; аралаш дарслар.

Дарснинг ташкилий тузилиши унинг структураси билан белгиланади. Умумтехника ва махсус фанларга татбиқан, дарснинг қўидаги структура элементларини ажратиш мумкин: ташкилий қисм; уй топшириқларининг бажарилишини текшириш; ўқитувчининг янги материални баён этиш; ўқувчиларнинг янги материални ўрганишга оид ўқув, техника ёки справочник адабиёт билан мустақил ишлашлари; янги материални такрорлаш ва пухталаш; илгари урганилган материални такрорлаш; пухталаш ва системага солиш; ўқувчиларнинг билим, ўқув ҳамда малакаларини тешириш, ҳисобга олиш ва баҳолаш; уй топшириқлари бериш. Дарснинг типига яъни машғулотдан кузланган асосий дидактик мақсадга кура, бирор структура элементлари ёки уларнинг типавий комбинациялари устун туради.

Асосий дидактик мақсадга биноан классификацияланувчи дарсларнинг типларини уларнинг структурасига боғлиқ ҳолда қисқача куриб чиқамиз.

Янги материалларни баён этиш дарслари. Бу дарслар, одатда, мавзуни баён этиш ва дарсдан кузланган мақсадни очиб беришни, янги материални навбати билан баён этиш ёки ўқувчиларнинг ўқув адабиёти, техника адабиёти (журналлар, бюллетенлар, альбомлар, чизмалар, схемалар, технологик жараён карталари ва шу кабилар) ёки справочник адабиёт билан мустақил ишлашни ташкил этишни, ўқувчиларнинг саволларига жавоб қайтаришни, ўқувчиларнинг янги материални узлаштириш сифатини текшириш, қўшимча тушунтиришларни, уйга вазифалар беришни уз ичига олади. Бундай дарслар одатда, урганиладиган материал тавсифий характерда ва узлаштириш учун енгил бўлган ҳолларда утказилади.

Билимларни пухталаш ва татбиқ этиш дарслари. Бундай дарсларда теманинг бундан олдин урганилган материали юзасидан ўқувчилар билан фронтал суҳбатлар, лаборатория-амалий ишлар утказилади, ҳар хил масалалар ечилади, технологик жараёнлар ишлаб чиқиш машқлари, ёзма график ишлар, илгари урганилган материални мустаҳкамлаш ва системага солиш юзасидан турли мустақил ишлар (схемалар тузиш вауларни уқиш, жадваллар тузиш, техникавий ҳужжатларни таҳлил қилиш ва шу кабилар) утказилади, кинофильмлар курилади, ўқувчилар доклад ҳамда рефератлар билан чиқадилар ва ҳоказо. Бу иш давомида билимлар эсга солинади, етарли фактлар, тушунчалар, қонуниятлар ўқувчилар онги вахотирасида пухталанади. Бунинг натижасида билимлар анча пухта бўлади.

Ўқувчиларнинг иш турлари ниҳоятда хил-хиллигига карамай, бу типдаги дарсларнинг структураси тахминан бир хил. Бу структура дарс мавзуси ва мақсадини аниқлашни, илгари урганилган ҳамда навбатдаги ишларни бажариш учун зарур маълумотларни эсга туширишни, ўқувчиларнинг ишни бажаришини (ёки утказилиши кузда тутилган бошқа фаолият турлари) ва яқун ясашни уз ичига олади.

Такрорлаш-умумлаштириш дарслари. Бу дарслардан кузланган мақсад-урганилган материал юзасидан олинган билимларни эсга тушириш васистемага олиш, бу эса

билимлардаги камчиликларни тулдиришга, мавзунинг, булимнинг ва бутун фаннинг асосий гояларини, масалаларини янада чуқур очиб беришга ёрдам қилади. Бу типдаги дарслар программа мавзусини ёки булимни ўрганиш сунгида ва ўқув йилининг охирида утказилади. Такрорлаш-умумлаштириш дарсларига нисбатан қуйиладиган асосий талаблардан бири уларнинг мундарижасига албатта ўқувчилар ўқув фаолиятига доир янги маълумотлар ва методлар киритишдир.

Такрорлаш-умумлаштириш дарслари икки хил бўлади: ўқитувчи мавзунинг, булим ёки куснинг урганган материали юзасидан умумлаштирувчи обзор лекция уткази ёки ўқувчилар билан кенгайтирилган суҳбат ташкил қилади. Суҳбат вақтида ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида умумлаштирувчи машқлар, ёзма ишлар ва бошқа топшириқлар бажарадилар.

Ўқувчиларнинг билими, ўқуви ҳамда малакаларини текшириш дарслари. Бу дарсларда мавзу, булим ёки бутун курс юзасидан батафсил оғзаки савол-жавоб, ёзма ёки график контрол ишлар утказилади, контрол қилувчи курилмалар, карточка-топшириқлар, обзор-такрорлаш жадваллари ёрдамида ўқувчилар билими текширилади, амалий характердаги топшириқлар бажарилади ва хоказо. бундай дарслардан кузланган мақсад ҳар бир ўқувчининг тайёргарлик даражасини асосли баҳолаш учун маълумотлар олиш, билимларнинг канчалик онгли ва чуқур узлаштирилганлигини, олинган ўқув ҳамда малакаларнинг канчалик пухта эканлигини аниқлашдан иборат. Бундан ташқари, бундай дарсларни утказишда ўқитувчи ўқувчилар билими ҳамда ўқувидаги камчиликларни тулдиради ва уларни янада ривожлантиради.

Аралаш дарслар. Бу дарсларда ҳар хил дидактик масалалар комплекси ҳал қилинади. Улар барча ёки купчилик структура элементларини ҳар хил комбинацияда уз ичига олади. Аралаш дарслар умумтехника ва махсус фанларни ўрганишда дарсларнинг энг куп тарқалган типидир. Сунги вақтларда структурасининг эскирган ва бир хиллиги, дарсда ўқувчиларнинг мустақиллик ҳамда активлик даражасининг пастлиги, билим беришнинг уларни пухталашдан узилиб қолганлиги, утказиш методларининг бир хилиги туфайли аралаш дарс танқидга учрамоқда. Бу танқид ўқув жараёнининг ташкил этилиши ва методикасигагина таалукли бўлиб, дарснинг типига мутлақо алоқадор эмас. Купгина камчиликларнинг сабаби аралаш дарс утказилишида эмас, балки дарс структураси сийқаси чиқиб кетганлигида, дарс элементлари катъий тартибда келишида, аксари ўқитувчилар бу дарснинг бой педагогик имкониятларидан фойдалана билмаганлигидадир.

Аралаш дарснинг афзаллиги шундаки, у ўқув жараёнининг бир бирига энг яқин звеноларини уз ичига олади, бу эса ўқувчиларнинг билимларини пухта ва онгли равишда узлаштиришини таъминлаш учун жуда муҳимдир. Бу типдаги дарсларнинг аралаш характери машғулотлар структурасини кенг чегарада узгартиришга имкон беради. Масалан, бир дарсда ўқувчиларга янги билимлар берилади, бу билимлар пухталанади, илгари утилган материал такрорланади, ўқувчиларнинг билимлари текширилади ва хоказо, иккинчи дарсда бу элементлардан баъзилари булмайдими ёки бир бирига қушилиб кетади (янги материални ўрганиш вақтида у пухталаниши, билимларни текшириш эса тушириб қолдирилиши мумкин), ҳар хил дарсларда бир хил элементларнинг кетма кетлиги узгариши ҳам мумкин (уй топшириқларининг қандай бажарилганлиги янги материалларни баён этишдан олдин ҳам, кейин ҳам текширилиши мумкин, ўқувчиларнинг мустақил ишларини дарс бошида утказган маълумот). Шу билан бирга, шунини таъкидлаб ўтиш керакки, структура элементларини ҳар хил комбинациялаш ёлғиз мақсадга эмас, балки педагогик мақсадга мувофиқликка асосланиши лозим. Иккинчи томондан дарснинг структурасини аниқлашга ижодий ёндоқиш талаби аралаш дарс аниқ структурага эга эмас деган маънони билдирмайди. ўқувчи ҳар қандай дарсга, шу жумладан, аралаш дарсга тайёрланар экан, уни структурасини уйлаб олади ва уни режада аниқ акс эттиради. Ҳар бир структура элементи учун дарс давомида ўқув ишининг мўйян мазмуни ҳамда тегишли усуллари белгиланади ва амалга оширилади. Дарснинг структурасизлиги ўқитувчи ишида ҳам, ўқувчилар ишида ҳам системасизликка олиб келади.

Дарслар типларини куриб чиқиш дарсинг котиб колган схема эмаслигини курсатади. Ўқув ишининг ташкилий формаси булган дарс максимал натижаларга эришиш учун типлар ҳамда структура бўйича узгариб туриши мумкин ва лозим.

10-маъруза. Ўқув материалларини билдиришининг метод ва методик усулларини танлаш.

Ўқувчиларга ўқув материалларини билдириш ўқитувчи фаолиятининг асосий элементлардан биридир. Ўқув жараёнининг бу звеносига ўқувчилар фаолиятининг қуйидаги элементлари: билимларни идрок этиш, тушуниб олиш ва умумлаштириш тўғри келади.

Аммо ўқувчиларга ўқув материални билдиришни уни тушуниб олиш ва умумлаштириш билан боғлаш ўқитувчига узига тўғри йул танлаши учун зарурдир.

Агар ўқитувчи ўқув материални билдиришда асосий вазифа баён этилган маълумотларни ўқувчиларнинг идрок этишидан иборатдеб билса, бу хол ўқитувчини ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини активлаштиришга ёрдам берувчи форма, метод ва методик усулларни тадбиқ этишга рағбатлантирмайди, ва аксинча, мақсадли билимларни тушуниб олиш ва умумлаштиришга каратиш ўқитувчини ўқув материални баён этишнинг энг самарали методларини, ўқувчиларнинг билимларини узлаштириш даражасини текширишининг тегишли критериларини излаш ва тадбиқ этишга ундайди.

Янги ўқув материални билдириш ўқитувчи ишидаги асосий масаладир.

Янги материални билдиришда, асосан, оғзаки методлардан: оғзаки баён этишдан (сузлаб бериш, тушунтириш, маъруза, сухбатдан) ўқувчиларнинг китоб билан ишлашидан ва курсатма кулланмалар, диафильмлар, кинофильмлар, тажрибалар курсатишдан фойдаланилади. Аммо янги материални билдириш ва бунинг натижасида ўқувчилар олинган билимларни идрок этиши, тушуниб олиши, дастлабки зарур умумлаштиришлар қилиши кераклиги анъанавий методларни бошқа методлар билан кушиб олиб боришни талаб этади.

Ўқитувчи ўқув материални баён этганда, лаборатория амамли ишларни бажариш вақтида, машқлар жараёнида, мустақил кузатишлар вақтида ижодий характердаги ишларни бажариш натижасида ўқувчилар янги билимлар оладилар. Ўқитувчининг вазифаси ўқувчилар фаолиятининг ҳамма турларини билимлар олиш ва уларни кенгайтириш манбайига айлантиришдан иборат.

Ўқув материални билдириш методини танлаш, урганилаётган материалнинг мазмуни, характери ва мураккаблигига, машғулотларнинг дидактик мақсадига, ўқитиш воситалари бор – йуклигига, ўқувчиларнинг дастлабки билимлари ва шу кабиларга куп жихатдан боғлиқ. Касб-хунар мактабларидаги ўқув жараёнининг узига хос хусусияти шундан иборатки, ўқувчиларнинг назарий машғулотлари билан бир каторда катта хажмда ишлаб чиқариш таълими хам утказилади. Бу хол ўқитувчидан ўқувчиларга ўқув материални амалий режада билдиришни талаб қилади, бу эса ўқувчиларнинг материални идрок этишига таъсир курсатади. Шунинг учун ўқув материални билдириш методларини танлашда ўқитувчи ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш тажрибаларини, уларнинг ўқитилиш даврини, урганилаётган материалларнинг амалиёт билан боғлиқлигини хам эътиборга олиш зарур.

Ўқув материални билдириш методларини танлаш бир катор субъектив факторларга, жумладан, бутун ўқув гуруҳининг хусусиятларига, айрим ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ.

Нихоят ўқув материални билдириш методларини ва методик усулларини танлашга ўқитувчининг педагогик тажрибаси, индивидуал сифатлари, иш услуби, яъни ўқитувчининг педагогик махорати анча таъсир этади.

Ўқувчиларни янги билимларни идрок этишга тайёрлаш.

Ўқувчиларни янги билимларни идрок этишга тайёрлаш усуллари куп, бу усуллардан кай бирин куллаш лозимлиги урганиладиган материални мазмунига, унинг канчалик

муҳимлигига, ўқувчиларнинг канчалик тайёрланганлиги ва ўқитувчининг тажрибасига боғлиқ. Ўқувчиларни урганиладиган материал билан таништиришнинг энг куп тарқалган усулларидан бири ўқувчилар билан олган материаллар билан билиши керак бўлган материаллар орасига “куприк солиш” мақсадида, илгари урганилган материални асосий жойларини такрорлашдан иборат. Агар бундай боғланишлар аниқ бўлиб, ўқувчиларнинг англаши осон бўлса, янги материални ўқитувчининг узи қисқача эсга тушириши мумкин. агар урганилган материал билан янги материал орасидаги боғланишни чуқуррок куриб чиқиш лозим бўлса, ўқитувчи ўқувчилар билан суҳбат утказди. Иккала ҳолда ҳам асосий эътибор такрорланадиган материалнинг фактларига асосланган томонигагина эмас, балки ўрганиш керак бўлган материал билан боғланиш урнатишга қаратиш лозим. Бунда айна фандан урганилган материал билан боғланишларни очишагагина эмас, балки ўқувчиларнинг бошқа фанлардан олган билимларига таяниш ҳам муҳимдир. Касб ҳунар мактабларида техника фанлари билан умумтаълим фанларининг урганиладиган материалларни бир бирига боғлаш алоҳида аҳамиятга эга.

Ўқувчиларни янги ўқув материални идрок этишга тайёрлашнинг муҳим элементи, уларга дарс мавзусини ва дарсдан кузда тутилган мақсадни билдиришдан иборат. Дарс мавзусини урганилаётган ўқув материалининг моҳиятини, дарснинг мақсади эса ўқувчилар нимани ва қай даражада узлаштириш лозимлигини белгилайди. Мақсаднинг қуйилиши ўқувчиларни уқиувчи баён этадиган материални уйлаш, анализ қилиш ва умумлаштиришга, илгари олинган билимлар асосида янги билимларни мустақил излашга раҳбатлантирмоғи лозим. Хар бир дарс учун мақсад танлаш ўқув материалининг аниқ мазмунига боғлиқ.

Ўқувчиларни янги билимларни идрок этишга тайёрлаш мақсадида кинофильмдан лавҳа намойиш қилиб, уни изоҳлаб бериш, уларни илмий – оммабоп журналларнинг навбатдаги дарс билан боғлиқ бўлган кизикарли материаллари билан таништириш, илмий – техникавий кашфийт ёки ишлаб чиқариш илгорлари кулга киритган ютуқлар тўғрисидаги газетада босилган материаллардан мисол келтириш мумкин ва хоказо. Бўларнинг ҳаммаси ўқувчиларни муайян тарзда тайёрлайди, уларнинг янги материалга кизикишини оширади.

Агар ўқувчиларни янги билимларни идрок этишга тайёрлашни ички томондан эмас, балки ташқи томондан ҳам қараш зарур. Ўқувчилар билимларни оптимал идрок этиш учун ўқув жараёни утказиладиган жойдаги санитария гигиена шароитлари каби факторлари ҳам (дарс бошланишидан олдин хоналарни шамоллатиш, оптимал даражани саклаб туриш, танаффус вақтида ўқувчиларни нормал дам олишини таъминлаш) ҳисобга олиниши керак. Ўқувчиларнинг “старт” ҳолатини таъминлаш учун дарснинг бошланишини аниқ ташкил этиш: ўқувчиларни жой-жойига утказиш, дафтар, китоб ва бошқа керак яроқларини тахт қилиб қуйиш катта аҳамиятга эга.

Ўқувчиларни ўқув материални идрок этишга тайёрлаш тўғрисида гапирилар экан, бирини дарснинг роли ва уқиувчининг ўқувчилар билан дастлабки алоқасининг роли хақида ҳам айтиши керак, чунки бўлар ўқитувчи билан ўқувчилар орасидаги бундан кейинги муносабатларни маълум даражада белгилаб беради.

Биринчи дарс ижобий эмоциялар ва фанга кизикиш ҳосил қилиши керак. Шу сабабдан энг кизикарли фактлар танлаш ва энг самарали методик усуллардан фойдаланиш зарур. Ўқувчилар бундан кейинги машғулотлар янада кизикарли булишини кутишлари керак. Дарс материални бутун синф учун тушунарли булиши лозим. Бу ҳол барча ўқувчиларда кийинчиликларни енгиш имкониятларига ишонч ҳосил қилади.

Дастлабки пайтларда ўқувчиларда ижобий фаолият ва активликни ривожлантиришда мутадилликка риоя қилиш даркор. Мустақил тажрибалар, “тарқатма материал” билан ишлаш, мунозара элементлари ва бошқа “шовкинли” методларни эҳтиётлик билан тадбиқ этиш тавсия қилинади, чунки гуруҳни билмай туриб, ўқувчиларни назоратдан четда қолдириш мумкин. дастлабки танишишда уз мазмуни ва методикаси жихатидан равшан, кизикиш уйғотадиган сузлар бериш методидан, шунинг уқиувчига янги тарбияланувчилари тўғрисида бой матекриал бера оладиган суҳбат методидан

фойдаланган маъкул. Шу билан бирга, сузлаб бериш ва сухбат методлари хатто биринчи дарсда ҳам диепроектор, магнитофон ва бошқа техника воситаларидан фойдаланишга имкон беради.

Ўқитувчи дарсда узини қандай тутиши жуда муҳим. Ўқувчилар сезиши мумкин булган ишончсизликка хатто жуда кичик бир хатонинг утказиб юборилишига йул куйилмайди. Шу сабабли ўқитувчи узининг хар бир усули, харакати, сузини олдиндан тасаввур қилиши учун биринчи дарсига жуда пухта тайёргарлик куриши лозим. Бу нарса, айникса, дастлабки дарсларни, одатда, хаяжонланган холатда утказадиган ўқитувчиларга таалуклидир.

11-маъруза. Ўқитувчининг ўқув материални оғзаки баён этиш методикаси.

Ўқувчиларга ўқув материални билдиришнинг асосий методларидан бири уз ичига : сузлаб бериш, тушунтириш, маърузани оғзаки баён этишдир. Бўларнинг хаммасида таълим беришнинг фақат бир воситасидан – ўқитувчи сузидан фойдаланилади.

Сузлаб бериш ўқув материални хикоя тарзида баён этишни кузда тутуди. Бу метод ўқув материали, асосан, тавсифи характерда бўлиб, мантиқий изчиллиги билан фарк қиладиган холларда кулланилади. Тушунтириш. Ўқув материални оғзаки баён этишнинг кузда тутуди. Тушунтириш жараёнида ўқитувчи солиштириш, таккослаш, дедукция, индукция, асослаш, қонуниятлар чиқариш ва шу кабилардан фойдаланилади. Тушунтириш, асосан, хусусий ва аниқ маълумотларни билдиришда кулланилади.

Маъруза, сузлаб бериш ва тушунтиришдан фаркли уларок, анча аниқ тузилган бўлади. Маърузалар, одатда ўқув дастурининг йирикрок, принципиал мухит масалалари юзасидан уқилади. Маърузада ўқув материали яхлит ва изчиллик билан баён этилади, узаро боғланган тушунчалар, қонуниятлар системаси очиб берилади, курснинг турли мавзулари орасида ички боғланишлар урнатилади.

Маъруза сузлаб беришга караганда узок давом этади ва ўқувчиларнинг ёзиб боришини кузда тутилади. Маърузани эшитиш сузлаб беришни эшитишга караганда кийинрок, чунки купрок диккат эътиборни талаб этади. Методик усул нуктаи назаридан олганда сузлаб бериш, тушунтириш ҳамда маъруза жуда куп умумийликка эга, шу сабабли умуман оғзаки баён методикасини куриб чикамиз ва хар қайси методнинг узига хос хусусиятларини кайд этамиз.

Оғзаки баён этишга тайёргарлик куришда шуни назарда тутиш зарурки, ўқувчилар янги материални, одатда, у тегишли мантиқий изчилликда қисм – порциялаб баён этилган такдирдагина анча самарали узлаштирадилар. Ўқув материалнинг хар бир қисми нисбатан тугал мазмунга эга булиши керак. Баённи режалаштиришда материални асосий масалалар мумкин кадар кам бўладиган тарзда тузишга харакат қилиш зарур. Тажрибадан маълумки, ўқувчилар 2-3 та асосий фикрни осон, турт ёки бешта асосий фикрни кийинрок идрок этадилар, агар асосий фикрлар 8-10 та бўлса ўқувчилар анча кийналади.

Баён этишда энг кийини бошлангич қисмдир, шунинг учун ўқитувчи уни жуда пухта машқ қилиши зарур. Хамма вақт маълум ва аниқрок материалдан бошлаб, секин аста янги материалга утиши лозим.

Ўқувчилар иш тажрибасида янги факт ходиса, қонуният ва воқеаларни тушунтиришни тузишнинг икки усули: индуктив ҳамда дидуктив усуллари кулланилади. Индуктив усулда ўқитувчи хусусийдан умумийга, дедуктив усулда эса, аксинча, умумийдан хусусийга боради. Бир материалнинг узини купинча икки усул билан бериш мумкин.

Дедуктив усулда баён этишга вақт анча кам сарфланади, аммо бу усулни куллаш учун ўқувчиларда дастлабки билимлар ва абстракт фикрлаш борасида маълум тажриба булиши зарур.

Баён этишнинг индуктив ёки дедуктив усулининг кулланилиши урганиладиган материалнинг мазмунига боғлиқ. Хикоя характеридаги материални индуктив асослашлар куп булган материал купинча дедуктив усулда баён этилади.

Шуни таъкидлаб утиш зарурки, тушунтиришнинг индуктив ва дедуктив усуллари «соф» холда кам кулланилади. Одатда, ўқитувчилар ўқув материални баён этишда, урганиладиган масалаларнинг мураккаблиги ва муҳимлигига караб бу усуллардан комплекс тарзда фойдаланилади.

Баён этишнинг гоёвий – сиёсий йуналганлиги ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Дарсда таълим масалаларигина эмас, балки тарбия масалалар ҳам ҳал қилинади.

Ўқув материалларини қисм – порциялаб баён этиш тавсия қилинади. Бунда фикрлар фикрга, қисмдан қисмга мантикиан утиш дарсдан кузланган асосий мақсадни ўқувчилар эсига тушириш, материалнинг баён этилган ҳар бир қисмига яқун ясаш зарур. Бу шартларга амал қилиш баён этишнинг мантиқийлигини оширади. Баён этиш мантики ўқувчиларга тушунарли булишга ҳаракат қилиши лозим.

Баённинг тушунарли булишини ошириш учун: аниқ булиши лозим, чунки умумий мулоҳазалар, одатда, кийинрок узлаштирилади; зарурат булмаса, ўқувчиларга тушунарсиз терминлардан фойдаланмаслик керак; жумлаларни имкони борича қисқа тузиш лозим; ракамли материални эҳтиёжсиз ишлатавермаслик зарур.

Баён этиш вақтида ўқитувчи таккослашда фойдаланса, ўқувчилар материални яхширок тушунади. Муваффақиятли баён этишнинг энг муҳим шarti укиувчи баён этаётган ўқув материални идрок этиш ва тушуниб оиш жараёнида ўқувчилар эътиборининг тургун ҳамда фикрлаш фаолиятининг илгор булишидир.

Илгор педагоглар ўқувчилар эътиборини жалб қилиб туриш ҳамда фикрлаш фаолиятини илгорлаштиришнинг ҳар хил усуллари ва методик усулларидан фойдаланадилар; бу усулларнинг самарадорлиги ҳар бир ярим холда материалнинг мазмунига, гуруҳнинг жамоаси ҳамда тайёргарлигига, дарсда фойдаланиладиган жихозларга, ўқитувчининг индивидуал фазилатлари ва иш тажрибасига боғлиқ бўлади. Яхши педагоглар тажрибасини жамлаб, энг характерли методик усулларни курсатиб утиш мумкин.

Авалло, сузни курсатма кулланмалар, тажрибалар, меҳнат усулларини намоёиш қилиш, дафтарлардаги ёзувлар, расм чизиш, схема, график ҳамда жадваллар тузиш, диафильмлар намоёиш қилиш, магнитофонга ёзиб олганларни эшиттириш ва шунга ухшашлар билан уйғунлаштириш зарурлигини курсатиб утиш лозим. Уйғунлаштириш бамаъни булганда, табиийки, ўқувчиларни фаоллаштиради, материал яхши узлаштирилади, чунки бу холда идрок этиш жараёнида ўқувчиларнинг бир неча хил сезиш органлари иштирок этади.

Ўқув материални баён этишга муайян вақт ажратилиши сабабли ўқитувчи дарсда мўлжаллаганларнинг ҳаммасини баён этишга улгулириш учун ҳаракат қилши керак. Бунинг учун ўқитувчи:

дарсни уз вақтида бошлаши;

дарсга тайёрланиш вақтида унинг айрим босқичлари учун кетадиган вақтни, агар зарур бўлса, айрим асосий масалаларга кетадиган вақтни тахминан белгилаб олиши ва дарс жараёнида ана шу регламентга риоя қилиши;

Ўқувчилардан куйилган саволларга аниқ ва қисқа жавоб кайтаришни талаб этиши;

шаҳсан узи учун кизик булган масалаларни ортик даражада батавсил ва узок вақт баён этмаслиги лозим, акс холда аҳамияти кам булмаган бошқа масалаларни баён этишга вақт этишмай қолади;

дарс режаси ва конспектдан оқилона фойдаланиши, лекин уларга боғланиб колмаслиги, фақат вақти - вақти билан узини тешириш мақсадида уларга караб олиши зарур.

Хар қандай материални баён этиш сунгида хамиша яқун яшаш керак. Оғзаки баённинг яқуний қисми айтилганларни умумлаштириш ва яқун яшаш учун зарур. Баённинг хотима қисмида баён этилган материалнинг асосий жойларини яна бир бор айтиб утиш, энг муҳим жойларига ўқувчилар эътиборини қушмча равишда қаратиш, асосий хулосани такрорлаш керак.

12-майруза. Ўқитувчи нутқининг техникаси

Ўқув материални ўқувчиларга мувофаккиятли етказиш учун ўқитувчи баён этиш методикаси билан бир қаторда нутқ техникасини ҳам яхши эгаллаган бўлиши керак. Нутқ техникаси, қупчилик ҳолларда табиат инъоми бўлмай, балки уз устида тинмай ишлаш натижасидир.

Ўқитувчи ўқув материални ҳар хил тарзда баён этиб, бунда ижобий натижаларга эришишлари мумкин. Ўқитувчи муқаммал биладиган, ўқувчиларнинг чуқур ва пухта билим олишларига имқон берадиган методикагина яхши бўлади. шу муносабат билан нутқ техникаси юзасидан ҳар бир ўқитувчига бир хил даражада ва истаган ҳолда ярайверадиған методик маслахат бериш қийин. Шунинг учун илгор педогогик тажрибани умумлаштиришга асосланган баъзи тавсияларни келтириб утамиз.

Аввало шуни назарда тутиш керакки, дарсда ўқув материални оғзаки баён этиш ташки самарага мулжалланган нутқ бўлмай, балки ўқувчиларга янги билимлар баён этишидир.

Ўқув материални ўқувчиларга қараб, жонли тилда баён этишга ҳаракат қилиш, «биз», «сиз», «биз сиз билан» каби олмошлардан қупрок фойдаланиш, ўқувчиларнинг диққатига эътибор бериб туриш керак.

Ўқувчи нутқининг ифодали бўлиши учун мимика ва имо-ишоралар қатта аҳамиятга эга, чунки улар баён этилаётган материалларнинг маънавий бўёгини қучайтиришга, унга уз муносабатини билдиришга ёрдам беради. Аммо мимика, имо-ишораларга ҳаддан ташқари берилиб кетиш ярамайди.

Ўқитувчи ўқув материални баён этар экан, унга бефарқ қарай олмайди. Бу нарса ўқувчиларни ҳам бефарқ қарай олмайдиған қилади. Ўқитувчи баён этаётган материалнинг эмоционал бўёги ўқувчилар эътиборини активлаштирилади.

Таълим жараёнини ижобий эмоциялар асосида қуриш зарур. И. П. Павлов ижобий эмоцияларга бош мия қатта ярим шарлари махсудор ишлашининг манбаи сифатида қарар эди. Психологлар ижобий эмоцияларни инсон фаолиятининг қудратли стимули деб ҳисоблайдилар. Дидактика зерикш таълимнинг ашаддий душмани эканлигини исбот қилган.

Табиийки, баённинг эмоционал бўёги имқоиятлари қуп даражада фаннинг мазмунига боғлиқ. Гуманитар фанлар ўқитувчиларида бундай имқоиятлар, масалан, умутехника ва махсус фанлар ўқитувчилрникига қараганда анча қатта. Бирок энг «қурук» фан ҳам жонли, қизикарли, жозибали тарзда баён этилиши зарур. Бунга эришиш воситалари жуда қуп. Бўлар жумласига тарихга қизикрок саёхат қилиш ҳам, қизикарли фактлар, амалда ишлатиладиған мисоллар келтириш ҳам, солиштириш ҳам қиради ва ҳоказо.

Ҳар бир педогокнинг нутқ сифати ва овоз тембри ҳар хил бўлади. Тегишлича машқ қилиб, овознинг ёқимли бўлишига эриши мумкин. Нутқнинг индивидуал қамчиликларига, масалан, димоғдан сузлаш, сузнинг охирги қисмини «ютиб юбориш» ва шу каби қамчиликларга барҳам бериш зарур. Нутқни паразит сузлардан тозалаш лозим.

Ўқитувчи ововзининг узи бемалол гапира оладиган охангини аниқлаб олиши жуда фойдали. Бу охангдан четга чиқиш нутқни жонлантиради.

Нутқнинг паст баландлиги муҳим аҳамиятга эга. Ўқитувчининг аудиторияни тулдириб, энг охирги каторда утирган ўқувчилар ҳам эшитадиган овози нормал ҳисобланади. Бирок хаддан ташқари баланд овоз ўқувчиларни чарчатиб қуяди.

Нутқнинг тезлик ва баландлик даражасини, шунингдек, охангини ўқув материалининг кийинлик ҳамда муҳимлик даражасига караб узгартириш зарур. Муҳим қонун коидалар, тарифларни оддийроқ ёки иккинчи даражали материалга караганда баландроқ овоз билван ва секинроқ баён этган маъкул. Хамма вақт аниқ ва равшан гапиришга ҳаракат қилиш лозим. Янги терминларни айникса аниқ айтиш зарур.

Тажрибали ўқитувчилар ўқув материалини баён этиш жараёнида айрим жумлалар орасида ва ҳар бир муҳим фикр ёки тарифдан кейин бир оз тухтаб-тухтаб оладилар. Бу ҳол уквувчилар эътиборини оширади ва баён этилаётган материални тушиниб олиши учун вақт беради.

Нутқ техникаси ўқитувчининг кундалик иши натижасидир; уни доимо такомиллаштириб бориш учун қуйидагилар тавсия этилади:

бошқаларнинг қандай гапираётганини кузатиб бориш, ишдаги уртоклари, шунингдек, мажлис, маъруза, конференцияда гапирганлар нутқининг афзалликлари ва камчиликларини таҳлил қилиш лозим;

хамма вақт уз нутқини машқ қилдиришга интилиш керак; нутқни Юқори маданиятли ва техникали қилишнинг энг яхши усули мажлис, кенгаш, семинар, педогогик уқишларда кенг аудитория олдида нутқ сузлашдир.

13-маъруза. Ўқувчиларни янги билимларни суҳбат методида баён этиш.

Суҳбат – ўқув жараёнини ташкил этишнинг савол-жавобли методи. Умумтехника ва маҳсус фанлар ўқитувчилари суҳбатнинг иккита асосий туридан: асосий мақсади ўқувчиларга янги билимларни баён этишдан иборат булган суҳбат ҳамда ўқувчиларнинг билимлари мустаҳкамланадиган, такрорланадиган, текшириб куриладиган ва баҳоланадиган суҳбатдан фойдаланадилар. Суҳбатнинг ҳар бир тури учун уз методикаси хосдир.

Агар суҳбатдан кузланадиган мақсад янги билимларни билдиришдан иборат бўлса, ўқитувчи урганилиши керак булган масалани уртага ташлайди ва мантиқий мулоҳазалар йули билан ўқувчиларни муайян ҳулосага олиб келади. Бунда ўқитувчи ўқувчиларни илгари олинган билимлар, кузатишлар, ҳаётий ва ишлаб чиқариш тажрибасини такрорлашга, ходисаларни солиштириш, таккослашга, уз фикрини баён этишга ундайди. Суҳбатнинг асосий аломати – ўқув материалин муҳокама қилишда ўқувчиларнинг бевосита иштирок этиши суҳбатнинг узига хос хусусиятларини белгилайди. Бундай суҳбат жараёнида ўқувчиларнинг билимлари ва тажрибаси сузлаб беришдагига караганда анча самарали аниқланади ва фойдаланилади, материални узлаштириш жараёни туларок ҳамда оперативроқ назорат қилинади, илгари олган билимлари анча чуқурлашади, мустаҳкамланади. Жамоа суҳбат умумий манфаатдорлик вазиятини яратади, ўқувчиларнинг эътибори ва кизкишини оширади, мушоҳадасини активлаштиради ташаббус ҳамда мустақилликни ривожлантиради, дарсда билимларнинг онгли равишда узлаштирилишини таъминлайди ва уй ишини осонлаштиради.

Илгор ўқитувчилар суҳбатининг гоаявий мазмунига катта аҳамият берадилар, унинг имкониятларидан ўқувчиларни жамоалилик руҳида тарбиялаш, ўқувчилар билимини эътикодга айлантириш учун, билиш ва ижодий кучларини ривожлантириш учун кенг фойдаланадилар.

Суҳбат ўқувчиларнинг янги билимларини идрок этишини таъминлабгина колмай, балки бу билимларни тушуниб олиши ва системага солишга имкон беради ҳам. Аммо янги

материални баён этиш методи булган сухбат, бир канча афзалликларга эга булишига карамай, педагогикада «соф холда» нисбатан кам кулланилади. Бунинг асосий сабаби шуки, ўқувчиларни янги материални узлаштиришга секин-аста олиб келиш жараёни куп вақт олади ва ўқитувчининг махсус тайёргарлик куришини: саволларни ўқув материалнинг мантикига мувофик танлаш, таърифлаш, жойлаштиришни, ўқувчилардан кутилиши мумкин булган жавоблар ҳамда асосий хулосаларни уйлаб олишни, шунингдек анчагина вақтни талаб қилади. Ўқувчилар урганиладиган материал юзасидан бир катор тайёргарликка эга булишлари кераклиги ҳам сухбатдан фойдаланишни кийинлаштиради: сухбатни «буш жойда» утказиб булмайди. Ўқувчиларнинг айна фан ёки бошқа фанлардан олган билимлари, кузатишлар, дарсликларнинг, справочникларнинг материаллини, журналлардаги мақолаларни, техникавий ва технологик хужжатларни ўрганиш, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш таълими жараёнида ортирган тажрибаси, хаёт тажрибаси сухбат манбаи бўлади.

Юқорида айтиб утилганлар асосида янги материални баён этиш методи булган сухбатдан фойдаланишнинг баъзи шартларини аниқлаш мумкин:

энг муҳим, принципиал аҳамиятга эга булган материални сухбат методида урганган маъкул;

сухбат методида ўрганиш учун мазмуни аниқ мантикий изчилликка эга булган материални танлаш зарур;

сухбатда ўқувчилар билимни муайян системага келтириш, фанлараро боғланишни амалга ошириш, ўқувчиларнинг назарий билимлари билан ишлаб чиқариш тажрибалари уртасида боғланиш урнатиш учун фойдаланиш энг катта самара беради;

сухбатни бошқа методлари: тушунтириш, китоб билан ишлаш, ўқувчиларнинг мустақил кузатишлари, намойиш қилиш, машқлар, лаборатория – амалий ишлар билан бирга кушиб утказган маъкул.

Сухбатнинг мувафакятли утиши куп жихатдан шу сухбат темасининг тўғри танланишига ва конкрет ўқув вазифасига боғлиқ. Сухбат темасини аниқ ифодала бериш, ўқувчиларга билимларни узлаштириш учун яна нималар қилиш лозимлигини курсатиб бериш жуда муҳимдир.

Янги билимлар бериш мақсадида утказиладиган сухбат индуктив ва дедуктив усул билан олиб борилиши мумкин.

Ўқитувчилар индуктив усулни ўқувчиларни узларида бор билимларга ва ишлаб чиқариш тажрибасига таяниб, мустақил хулосалар чиқаришга ва умумлаштиришлар қилишга олиб келадиган холларда куллайдилар.

Ўқитувчи келтириб чиқарган ёки баён этилган коида, шарт, талабни ўқувчилар бошқа холларга татбиқ эта бошлаган, ўқитувчи саволига жавоб бериб ва унинг топширигини бажариб, янги ходисаларни анализ қила бошлаган, мазкур коидани ана шу ходисаларга татбиқ этиш мумкинлиги тўғрисида мулохаза юрита бошлаган вақтда дедуктив усулдан фойдаланилади.

Сухбатнинг самарали чиқиши учун ўқувчиларга бериладиган саволни тўғри танлаш, таърифлаш ва куйиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Эвристик, излаш сухбатида саволларни ўқитувчи фаолиятининг формаси дебгина карамаслик керак. Ўқитувчи уртага ташлаган хар бир савол ўқувчилар онгида тегишли савол тугдириши, пайдо булган ноаниқликларга бархам бериш истаги хосил қилиши, янги ассоциацияга ундаши зарур.

Шу нуктаи назардан караганда, савол фикрнинг билиш билан билмаслик уртасида турадиган, янги мулохаза ҳамда тушунчалардан олдин келадиган ва айна вақтда уларнинг хосил булишига ёрдам берадиган алоҳида формасидан иборат, деб айтиш мумкин.

Ана шу асосланилганда, саволга нисбатан куйиладиган асосий талаб ўқувчиларнинг актив фикрлаш фаолиятини, зехнини устиришдан иборат. Бундан ташқари, саволларга нисбатан

куйиладиган талабларни айтиб утиш зарур: қисқалик ва аниқлик; мақсадга мувофиқлик; мантиқий равшанлик ва оддийлик; сухбатнинг бундан олдинги саволлари ва мавзуси билан боғлиқлиги; мазмун ва шаклининг аниқлиги; амалий йуналганлик; ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш тажрибасини ҳисобга олиш.

Асосий кушимча, ёрдамчи саволлар бўлади. Асосий саволлардан кузда тутиладиган мақсад – энг муҳим материални очиб бериш; кушимча саволлардан кузланган мақсад – асосий материални аниқлаштириш, унга аниқлик киритиш; ёрдамчи саволлардан кузда тутиладиган мақсад – таниш маълумотларни ўқувчилар эсига туширишга ёрдам бериш, ўқувчилар фикрини зарур томонга қаратиш.

Янги материални сухбат методидида баён этишда ўқувчиларга бериладиган саволлар ниҳоятда хилма хилдир. Саволларнинг қуйидаги гуруҳларини ажратиш курсатиш мумкин:

нарсаларни, уларнинг тасвирларини, ходисалар, жараёнлар, фактлар ва шу кабиларни солиштириш ҳамда таккослашга оид саволлар;

урганилаётган фактлар, ходисалар, жараёнларни умумлаштириш ва уларнинг муҳим аломатларини ажратиш курсатишга доир саволлар;

билимлардан бир хил вазиятларда фойдалана билишни аниқлаш учун бериладиган саволлар;

сабаби изохлашга оид саволлар;

исботлашга оид саволлар, «ха» ва «йук» эканлигига исботлар келтириш;

фанлараро боғланишни урнатишга оид саволлар;

тушунчааларни таърифлашга оид саволлар.

Ўқувчиларнинг жавобларига нисбатан куйиладиган талаблардан, аввало, онглилик ва асосланганликни айтиб утиш керак. Хар бир жавоб ўқувчининг фикрлаш мустақиллигини акс эттириши лозим. Ўқитувчи ўқувчилардан техника жихатидан ва адабий жихатдан саводли ифодаланган аниқ ҳамда равшан жавоб қайтаришни талаб қилиши шарт.

Ўқувчиларнинг нутқ маданиятини тарбиялашга фикрлаш маданиятини тарбиялашнинг таркибий қисми деб қарамок лозим.

Сухбатни ташкил этишга нисбатан куйиладиган талаблар, биринчи навбатда, саволлар куйиш усулларига ва ўқувчиларни жавоб қайтариш учун ундашга таалуклидир.

Саволларни бутун гуруҳга бериш, сунгра ўқувчилар жавоб беришга тайёрланиши учун бир оз танаффус қилиш, шундан кейингина бирор ўқувчининг фамилиясини аташ тавсия қилинади.

Сухбатнинг мантиқий режасига катъий амал қилиш жуда муҳим. Саволлар билан жавоблар шундай тартибда келиши керакки, ўқувчилар мавзунинг изчиллигини ҳамма вақт сезиб турадиган булсин. Сухбат жараёнида ўқувчилар эътиборини бутун урганилаётган материални тушуниш учун асосий булган факт ва хулосаларга қаратиш алоҳида аҳамиятга эга.

Ўқитувчи сухбат ипининг учини хамиша уз кулида тутиб туриши керак. Шу билан бирга саволлар куйишнинг ва уларни таърифлашнинг илгари белгилаб куйилган тартибига курсуруна амал қилиш ярамайди. Саволларни ўқувчиларнинг жавобларига қараб хар қила билиш, фикрларнинг боришини тартибга солиш, хар қайси ўқувчининг кучли ва кучсиз томонларини ҳисобга олиш зарур. Агар ўқувчи саволга жавоб қайтаришга кийналса, бошқа ўқувчини чакиришга шошилиш ярамайди, саволни ўқувчига тушунарлироқ булган янги варинатда бериш ва тўғри жавоб йуналтириш мумкин булган бирор фактни эслатиб утиш лозим. Аммо жавобни очик ойдин берувчи саволлар бериш ярамайди.

Сухбатни яқунлар ясаш билан тугаллаш зарур: ўқитувчи сухбат жараёнида урганилган масалаларга аниқ таърифлар беради.

Хозиргача гап сухбат олиб бориш усули тўғрисида борди, бунда саволларни ўқитувчи берди, ўқувчилар эса бу саволларга жавобларни уйлаб курдилар ва ўқитувчи раҳбарлиги остида маълум хулосага келдилар. Сухбатнинг бундай тузилиши энг типикдир. Лекин сухбат жараёнида ўқувчилар ҳам савол бериши мумкин; ўқувчилар саволни ўқитувчига ҳам, гуруҳдаги уртокларига ҳам бериш мумкин. бундай методик усулнинг афзаллиги шундаки, биринчидан, ўқитувчи, саволнинг характерига караб, ўқувчилар билимининг канчалик чуқур эканлиги, уларнинг билиш активлиги, кизикувчанлиги ва урганилаётган ходисаларни тушуниш даражаси тўғрисида бир фикрга келади; иккинчидан, купинча чуқур, асосли савол бир-бири билан кетма-кет боғланган бошқа саволларнинг узлуксиз занжиридан иборат бўлади; биринчи саволнинг ҳал қилиниши иккинчи, учинчи саволни келтириб чиқаради ва, шундай қилиб, ўқувчилар актив ишга жалб этилади. Бу ҳолда саволлар ўқувчилар билимлари ва кизиқишларининг чуқурлик мезонигина эмас, балки бу кизиқишни қувватлаб турувчи восита ҳам бўлиб қолади.

Ўқитувчининг вазифаси саволларнинг мураккаблигини ва педагогик кимматини доимо ошира бориб, ўқувчиларни саволлар беришга ундашдан иборат. Ўқувчиларни савол беришга ундаш усулларидан қуйидагиларни таъкидлаб утиш мумкин: ўқитувчининг уқиб чиқилган матн, расм, курсатма кулланмага оид саволлар тузиш тўғрисида ўқувчиларга берадиган топшириги; жавоб қайтараётган ўқувчига, ўқитувчига саволлар беришни таклиф этиш; ўқувчиларни атайлаб муайян кийинчиликларга тукнаштириш ва хоказо.

14-майруза. Ўқитишда курсатма кулланмалар ва техника воситаларидан фойдаланиш.

Ўқитувчилар ўқувчиларга ўқув материални баён этишда дидактиканинг энг муҳим принципларидан бири – курсатмалилик принципдан фойдаланадилар.

Ўқитишнинг курсатмалилигига сабаб инсоннинг фикрлаш хусусиятидир. Бу хусусият асосан аниқдан абстрактга томон ривожланади. Тушунчалар ва обстракт қонун-қоидалар аниқ кузатишлар натижаларига асосланса ҳамда улар билан мустаҳкамланса, анча осон ва тез шаклланади. Кишиларда тафаккурнинг ривожланиши уларнинг ёшига, хаёт ва иш тажрибасига ва бошқаларга боғлиқ. Аммо бизнинг тафаккуримиз ривожланишнинг қайси босқичида булмасин ҳамда биз канчалик мураккаб масалаларни урганмайлик, аниқ фактлар ва тимсоллардан ажралиб колмаслигимиз керак.

Курсатмалилик принципи ўқитувчининг хилма хил ўқув кулланмалари ва ўқитишнинг аудиовизуал (эшитиш, куриш) техника воситаларидан фойдаланишда уларнинг педагогика жихатидан маъкул тарзда ясалишида акс этади.

Курсатма кулланмалар – ўқувчиларни урганиладиган объектлар, ходисалар, жараёнлар тўғрисида яккол тасаввурлар хосил қилиш методидида ўқитиш мақсадида ишлатиладиган воситалар. Узлаштириладиган билимлар характерига, ўқувчиларда мавжуд булган тасаввур, тушунча, хаёт ва иш тажрибасига, дарснинг аниқ вазифаларига караб курсатма кулланмалар ўқитишда хар хил ролни бажаради. Улар билимлар манбаи сифатида, шунингдек ўқитувчи сузлаб бериш, тушунтириш, сухбат вақтида фойдаланадиган расм сифатида хизмат қилиш мумкин. Купинча, бу иккала вазифа комплекс тарзда келиши мумкин.

Объект, ходиса ва жараёнларни кузатиб ўрганиш педагогика нуктаи назаридан идеал ҳисобланади. Аммо урганилиши керак булганларнинг баъзиларидангина дарсда фойдаланиш мумкин ва маъкул. Шу сабабли, ўқув жараёнида тасвирий курсатма кулланмалардан кенг фойдаланилади. Улардан қуйидаги холларда фойдаланилади:

урганиладиган объектнинг асли жуда катта ёки жуда кичик булганда;

урганиладиган объект ёки ходисаларнинг аслини бевосита кузатиш мумкин булмаганда;

тушунчани график тарзда тасвирлаш талаб этилганда;

мураккаб объектларни оддийлаштириш ёки ишлаш жараёнини курсатиш зарур булганда.

Ўқувчиларга янги материални баён этишда курсатма кулланмалардан тўғри ва уз вақтида фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Педагогика фани ва илгор тажриба дарсда курсатма кулланмалар намойиш қилишга оид методик талаблар ишлаб чиқди, бу талабларга риоя қилиш уларнинг дидактик қимматини оширади.

Аввало шуни эсда тутиш зарурки, курсатма кулланмани намойиш қилиш – мақсад булмай, балки воситадир. Кулланмани курсатиш эмас, балки у билан ишлаш керак.

Урганилаётган материалнинг мазмуни ва дарсга ажратилган вақт такозо этган ҳоллардагина курсатма кулланмани намойиш қилиш тавсия этилади. Дарсда намойиш қилинадиган кулланмалар сони ўқувчилар ва ўқув материални сифатли узлаштириши учун оптимал булиши лозим; дарсда кулланмалардан хаддан ташқари куп фойдаланиш ярамайди.

Намойиш қилинаётганларини идрок этиш жараёнида ўқувчилар сезги органларининг куриш, эшитиш, сезиш, зарур ҳолларда эса там билиш ва хид билиш органларининг купини жалб этиш керак. Ўқитувчи сузи билан курсатмалиликнинг тўғри кушиб олиб борилиши катта аҳамиятга эга. Курсатма кулланмаларни идрок этишнинг асоси биринчи сигнал системадир, аммо иккинчи сигнал система унинг сигналларига тартибга солувчи таъсир этади. Хар қандай курсатма кулланмалар намойиш қилинганда ҳамма вақт изох бериб турилади. Ана шу изох ўқувчининг эътиборини кулланмадаги асосий ва муҳим томонларга каратишга, кузатилаётган мул объект ёки ходисалардан уларнинг мохиятини ташкил этувчиларни ажратиб олишга ёрдам беради.

Ўқитишнинг техника воситалари деганда, ўқувчиларнинг билим, ўқув ҳамда малакаларни узлаштиришини осонлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш ҳамда ўқитувчининг ўқувчиларга билим, ўқув ва малакалар бериш, уларни мустаҳкамлаш ҳамда текшириб куриш борасидаги меҳнатни енгиллаштириш учун фойдаланиладиган меҳнаткавий курилмалар жамламмаси тушунилади.

Ўқитишнинг техника воситалари жумласига ахборот беришда фойдаланиладиган техника (кинопроектор ва диапроекторлар, эпидиаскоп, фильмоскоп, магнитофон ҳамда телевизион курилмалар ва шу кабилар)гина эмас, балки тегишли техника билан бирга фойдаланиладиган узига хос ахборот элтувчиларнинг узи (кинофильмлар, диафильмлар, диапозитивлар, дастурлаштирилган топшириқлар туширилган тешик-тешик карталар туплами ва шу кабилар) ҳам киради.

Ўқитишнинг техника воситаларининг имкониятлари, методлари ва ишлатилиши усуллари синчиклаб урганилгандагина ўқув жараёнида улардан самарали фойдаланиш мумкин бўлади. Хар бир ўқитувчи бу воситалардан фойдаланишни билиши, бу соҳада тегишли билим, ўқув ва малакаларга эга булиши керак. Билим юртида ўқитишнинг техника воситаларидан педагогика жихатидан тўғри фойдаланиш учун тегишли шароит яратилиши зарур.

Баъзи чет эл педагоглари ўқув жараёнида ўқитишнинг техника воситаларидан кенг куламда фойдаланиш ўқитувчининг машина ва уни бошқарувчи муҳандис билан алмаштирилишига олиб боради, деб ҳисоблайдилар. Бунда ўқитувчи ташкилотчи ролини бажаради, ўқитиш вазифаси эса техника воситаларига юкланади. Аммо ўқитиш жараёнида фақат билим берилибгина колмай, ўқитувчи шахсининг мураккаб таъсири амалга оширилади ҳамки, бунинг натижасида ўқувчининг дунёқараши, хулқ – атвор нормалари шаклланади, шахснинг камол топиши содир бўлади. Бунга эса ўқитувчининг иштирокисиз эришиб булмайди: унинг ахлокий принциплари чуқур билимлар ҳамда кенг савия билан биргаликда хар гал такрорланмайдиган интеллектуал алоканинг шундай шароитини яратадики, бундай шароитсиз оқибат натижада ўқитиш ва тарбиялашда муваффақият қозониш мумкин булмайди.

Дарсларда янги материални баён этишда ўқитувчи гуё эшиттириб фикрлайди, бунда у ўқувчиларга билим берибгина колмасдан, уларга мантиқан фикрлаш, фан муаммоларини ҳал қилишга ижодий ёндошиш ўқувларини сингдиради. Ўқитувчи ўқувчилар учун билимлар манбаи ва ўқув жараёнини раҳбаригина эмас, балки таклид қилиш учун намуна ҳамдир. Ўқитувчини ўқитишнинг техника воситалари билан алмаштириш ўқув жараёнида жуда муҳим нарсани – ўқувчига педагог шахснинг таъсирини чиқариб ташлайди, бу эса ўқув жараёнини жуда камбағаллаштириб юборади. Барча техника воситаларининг, шу жумладан, ўқитиш машиналарининг ҳам имкониятлари чекланган – улар фақат ўқитувчининг ўқувчиларга курсатадиган таъсирини оширадиган қуролдир.

Касб – ҳунар мактабларида Юқори малакали уста ва ўқитувчилар, бой техникавий имкониятлар, ўқувчиларнинг техникавий ижодиёти кенг ривожланганлиги туфайли ўқув хоналарини ўқитишнинг техника воситалари билан жиҳозлашга, бу воситаларни билим юртларида тайёрлашга, саноатда ишлаб чиқарилган техника воситаларини такомиллаштиришга катта эътибор берилмоқда. Хоналарни ўқитишнинг техника воситалари билан жиҳозлаш ишида қуйидаги асосий техникавий-педагогик талабларга амал қилиш керак:

1. Ўқув кабинетларини ўқитишнинг техника воситалари билан жиҳозлашда ўқув жараёнида улардан комплекс тарзда фойдаланишини ҳисобга олиши зарур.
2. Ўқув хонасининг истаган жойида қуриш ва эшитиш учун яхши шароит таъминлаш лозим.
3. Ўқув хоналарида ўқитишнинг техника воситалари ишлатилганда шовкин манбаларини йукотиш керак.
4. Барча техникавий қурилмалар пухта ва бузилмай ишлаши даркор.
5. Техника воситаларининг тузилиши ва ишлатилиши оддий булиши керак.
6. Ўқитишнинг барча универсал ва махсус техника воситаларидан биргаликда оқилона фойдаланиш лозим.
7. Ишлатилиши иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ булиши зарур.

Ўқув киноси – ўқитишнинг энг қулай тарқалган техника воситаси бўлиб, объект ҳамда ходисаларни ҳаракатда ва ривожланишда намойиш қилишга, материални текшириш ва умумлаштиришга, шунингдек, аниқ идрок этишдан абстракт идрок этишга утишга имкон беради. Ўқув фильмидан ўқитувчи ўқув материални баён этишида иллюстрация сифатида, шунингдек, ўқувчилар уни мутақил ўрганиши учун фойдаланиши мумкин.

Фильм билан ишлашнинг сунгги босқичида ўқувчилар саволлар беришига имконият яратиш керак. Жавоб кайтаришга фильм материални яхши билиб олган ўқувчиларни жалб этиш лозим.

Диафильм ва диапозитивлар, ўқув киноси каби, курсатмалилик воситаси ҳамда ўқувчилар билимларининг дастлабки манбаи булиши мумкин. Купинча диафильмдан курсатмалилик воситаси сифатида фойдаланилади, бу ҳолда ясси курсатма қулланмаларга қандай талаблар қуйилса, диафильмларга ҳам шундай талаблар қуйилади. Диафильм ва диапозитивларга қуйиладиган узига хос талаблардан қуйидагиларни курсатиб утиш керакки, касб-ҳунар мактабларида уларни тайёрлашда бу талабларни ҳисобга олиш зарур.:

диафильм ва диапозитивларнинг мазмуни, аввало, тасвирлаш йул билан берилиши керак;

субтитрлар (баёнлар, тушунтириш ёзувлари) ўқувчилар қузини чарчатмаслиги лозим;

рангли диафильмлардан ранг дидактик масалаларни ҳал қилишга ёрдам бера олган такдирдагина фойдаланиш даркор; қора оқ тасвирдаги диапозитивлар серияларини комплекташда уларга рангли диапозитивлар киритган маъкул.

15-майруза. Ўқувчиларнинг китоб билан ишлаши

Ўқувчиларга фандан билим беришда ўқитувчи фойдаланадиган педогогик воситалар хазинасида китоб муҳим урин тутади. Умумтехника ва махсус фанларни ўрганишга татбикан олганда китоб- асосий дарслик ёки ўқув кулланмаси, қушимча адабиёт, справочниклар, ГОСТ жадваллари, ҳар хил техникавий ҳужжатлар, махсус журналлар, илмий-техникавий ахборот органлари ҳамда хизматларнинг нашрлари, баъзи ҳолларда эса илмий- оммабоп адабиётдир. Ўқувчилар китобдан ўқитувчи дарсда баён этган ўқув материалларини мустақамлайдилар ва такрорлайдилар. Китобда синф ва уйда ечиш учун масалалар, жавоб берилиши лозим булган синов саволлари келтирилади, текстга оид расмлар, мазмунини узлаштириб олиш зарур булган жадваллар, схемалар, графиклар, диаграммалар берилади. Ўқувчилар ўқитувчининг топшириги бўйича китобдан ўқув материалнинг муайян қисмини мустақил урганадилар. Аммо китобнинг ўқувчи, бўлажак ишчи ҳаётидаги роли шу билангина чекланиб қолмайди. Илмий-техника тараккиёти асрида, яъни ишлаб чиқариш техникаси ва технологияси такомиллашиб бораётган бир даврда малакали ишчи илмий-техника адабиётидан фойдаланиб, уз билимларини тулдириб бориши, барча янги, илгор нарсаларни билиб олиши зарур бўлади. шу сабабли ўқувчида китоб билан ишлай олиш малакаси ҳосил қилиш умумпедогогика муаммосининг-шахс мустақиллигини ривожлантиришнинг бир қисми ҳисобланади.

Юқорида айтиб утилганидек, ўқувчиларнинг китоб билан ишлаши, оғзаки баён ва суҳбат билан бир каторда, янги ўқув материални билдириш методларидан биридир. Шу муносабат билан, дарс вақтида оғзаки баён ва китоб билан ишлаш орасидаги нисбатни аниқлаш муҳимдир. Бу методлар қуйидагича қушиб олиб борилиши мумкин: ўқитувчи бутун ўқув материални баён этади-ўқувчилар уни китобдан такрорлайдилар ва тушиниб оладилар; ўқитувчи фақат асосий масалаларни баён этади-ўқувчилар дастурда кузда тутилган қолган материални мустақил урганадилар; ўқитувчи ўқув материални мазмунига мукаддима ва уни ўрганиш методикасини беради-ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида, белгиланган режа асосида мустақил ишлайдилар; ўқитувчи ишни ташкил этади ва йўналиш беради-ўқувчилар кузда тутилган бутун топшириқларни мустақил бажарадилар.

Ўқитувчи бутун ўқув материални баён этадиган дарсларни бу материал муълако янги, ўқувчиларнинг билими ва амалий тажрибаси қам ёки ўқув материалнинг мазмуни кийин булган ҳолларда утказган маъқул.

Оғзаки баённи ўқувчиларнинг китоб билан ишлашига қушиб олиб боришнинг иккинчи варианты, яъни ўқитувчи фақат асосий масалаларни тушинтирадиган варианты, урганиладиган материал назарий жихатдан асослашни талаб қиладиган ва ўқувчилар бу материални мустақил ўрганишга ҳали тайёр булмаган ҳолларда кулланилади.

Ўқитувчи материалнинг мазмунига мукаддима ва уни мустақил ўрганиш методикасигина берадиган дарслар урганиладиган материал ўқувчиларнинг бундан олдинги билмларига таянадиган, айрим топшириқларга осон ажраладиган ва кабинетда зарур барча ўқув кулланмалари булган ҳолларда утказилади.

Ўқувчилар янги материални мутлако мустақил равишда китобдан урганадиган дарслар урганиладиган масалалар ўқувчиларнинг аввалги билими ва амалий тажрибаси билан узвий боғлиқ булган, янги тушунчалар илгари урганилган материалдан келиб чиқадиган ҳоллардагина кулланилади.

Тажриба маълумотлари шуни курсатадики, ўқитувчининг ўқув материални оғзаки баён этишини ўқувчиларнинг китоб билан мустақил ишлашига қушиб олиб бориш айрим-айрим методда ўқитишга қараганда ўқувчиларнинг асосий масалаларни узлаштиришини урта ҳисобда 10-15 %, маъновий фактик аниқликни эса бундан ҳам қуп оширишга имкон беради

Ўқувчиларнинг билимлари бевосита китобдан узлаштиришига оид мустақил ишлари дарсда ҳам, уйда ҳам утказилади. Табиийки, ўқувчиларнинг янги билимлар узлаштириш

учун китоб билан мустақил ишлашни ташкил этишда, аввало, ўқувчиларда ишнинг бу турига олдиндан тайёргарлик бор-йуклиги ҳисобга олинади. Ўқувчиларда муайян билим запаси, китоб билан ишлаш ўқуви булиши керак. Шунинг учун материални китобдан мустақил ўрганишни ўқитишнинг анча кейинги босқичларига куйиш лозим.

Мустақил ўрганиш учун, даставвал, нисбатан оддий, ўқитувчининг махсус тушунтиришини талаб этмайдиган материални танлаш, ўқувчиларда тажриба тупланган сари материални ҳам секин-аста мураккаблаштириб бориш зарур. Ўқувчиларнинг китоб билан мустақил ишлашни фақат уқиш-тушуниш-эсда колдириш мақсадида эмас, балки муайян ўқув масалаларини ҳал қилиш учун зарур булган материални топиш, куйилган саволларга жавоб кайтариш мақсадида ҳам ташкил этиш керак. Бу ҳолда ўқувчилар китоб билан ишлашнинг маъносини яққол тушунадилар ва ёдлаб олишга интилмайдилар.

Ўқувчиларнинг китоб билан ишлаш борасида урта мактабда орттирган ўқувларини, бошқа ўқувлари каби, шакллантиришда давом этиш зарур.

Ўқув материални баён этишда ўқувчиларнинг маъносига етиши ва ундан асосий фикрларни ажратиб ола билиши керак. Китоб билан ишлашга ўргатишининг дастлабки пайтларида ўқитувчи бир неча асосий савол куяди, бу саволларнинг жавобини ўқувчилар китобдан топадилар. Вакт утиши билан ўқувчилар уқилган материалдан асосий жойларини мустақил аниқлайдилар. Бунинг учун ўқувчиларни, аввало., текстни тўғри уқишга ўргатиш, уларнинг этиборини шошилмай., яхши уйлаб уқиш, ҳар бир параграф ёки булимдан кейин кичикрок танаффус қилиш, текстга илова қилинган чизма, расм, график ва схемаларни таҳлил қилиш зарурлигига қаратиш лозим. Китобдаги кийин, тушунилмайдиган жойларни такрор уқиб чиқиш, зарур булган ҳолларда, такрорлаш вақтида уларга кайтиш учун, дафтарга белгилаб олиш керак. Ўқувчиларни китобни кулга калам олган ҳолда уқишга, уқиш жараёнида асосий қонун қоидаларни дафтарга ёзиб куйишга, зарур жойларини кучириб олишга одатлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Уқилганлардан асосий фикрларни ажратиб олишга унинг режасини тузиш ёрдам беради. шунинг учун ўқувчилардан дарсда ҳам, уйда ҳам китоб билан мустақил ишлашда режа тузиб олишни талаб қилиш ва бу режани текшириб туриш керак. Режа тузиш учун топшириқ олган ўқувчи текстни уқир экан, дархол асосий фикрларни белгилаб олади, уларни бир-бирига мантиқан боғлайди; вақт утиши билан бу ҳол одатга айланади. Ўқувчиларни урганилаётган ходисалар, жараёнлар орасидаги ухшашлик ва фарқ аломатларини топишга, машина, механизм, асбоб ҳамда аппаратларнинг тузилиш принципини тушинишга, урганилган қонуниятлар асосида жараёнларнинг сабабини тушинтиришга ўргатиш зарур.

Китоб билан ишлаш жараёнида ўқувчилар справочник адабиётдан (справочниклар, техникавий талаблар, стандартлар ва шу кабилардан) маълумотларни мустақил топишга ва улардан фойдаланишга ўрганишлари керак, бу эса малакали ишчи учун жуда муҳимдир. Справочник адабиёт билан ишлашга ўргатиш ўқув ишининг бошқа турлари билан узвий боғлаб олиб борилиши даркор. Ўқувчилар справочник адабиётдан муайян ўқув ва ишлаб чиқариш масалаларини ҳал қилишда фойдаланаганлиги сабабли справка материали билан ишлашга ўргатиш ҳам шундай ташкил этилиши керакки, ўқитувчи танлаган ёки тузган масалалар ўқувчиларни масалаларни ечиш учун барча зарур маълумотлар етишмайдиган ва справочник адабиётга эҳтиёж тугиладиган шароитга куядиган булсин.

Дарслар справочник адабиётдан фойдаланишда ўқувчиларга у билан ишлашнинг рационал усулларини: бунда режасидан тўғри фойдаланиш, керакли жадвал, график, формулани тез кидириб топиш, масалани ечиш учун зарур булган барча маълумотларни ёрдамчи дафтарга ёзиб олиш, тез-тез фойдаланиладиган бетларга қозон куйиш йулларини ва шу кабиларни ўргатиш зарур. Бу мақсадда дастлабки пайтларда махсус машқлар утказиш тавсия қилинади. Ўқитувчи дарсга зарур справочниклардан етарли микдорда олиб келиши, ҳар бир кулай ҳолда ўқувчиларнинг бу справочниклардан фойдаланишига имконият яратиб бериши керак.

Ўқувчиларнинг китоб билан мустақил ишлашнинг ташкил этишда уларни расм, схема, график ва бошқа иллюстрациялардан фойдаланишга, уларда мавжуд булган илмий-техникавий маълумотларни олишга ўргатиш ҳам муҳим.

Ўқувчилар текстни уқиб чиқиш жараёнида ҳам иллюстрациялар билан мустақил ишллари мумкин. Китобдаги расм, схема, график билан фойдаланок ишлаши учун ўқувчиларга махсус топшириқлар бериш ва китоб билан ишлаш тугагандан кейин бу топшириқларнинг қандай бажарилганлигини текшириб куриш лозим.

Ўқувчиларни китобнинг иллюстратив материалдан фойдаланишга ўргатишнинг самарадорлиги ўқитувчи тушинтириш вақтида худди шундай схема, жадвал ва графиклардан фойдаланган холлардагина ортади. Бунда ўқувчилар тушинтиришнинг боришини бевосита китобдаги расмга, схемага, графикка караб кузатиш имкониятига эга бўлади. Ўқитишнинг бундай усулидан кабинетда эпидиаскоп булган такдирдагина фойдаланиш мумкин, чунки ўқитувчи китобдаги иллюстрацияни ана шу эпидиаскоп ёрдамида экранга туширади.

Дарсликда ёки ўқув кулланмасида касбни эгаллаш учун ўқувчи билиши керак булган асосий материалгина баён этилган бўлади. бу материал энг зарур минимумдир. Малакали ишчи умуман техника соҳасида ва уз касби соҳасида кулга киритилган энг янги ютуқлардан хабардор булиши керак. Шунинг учун ўқувчиларга кушимча адабиётни ўрганишга оид топшириқлар бериш, синфда ва уй топшириги тарзида махсус журналлардан кучи етадиган маколалар уқишни, илмий-техникавий ахборот материалларин ўрганишни ташкил этиш, ўқувчиларда техника адабиётига кизиқиш уйғотиш, уларда шундай адабиёт билан ишлаш малакаси хосил қилиш зарур.

Ўқувчиларда техника адабиёти уқишга кизиқиш хосил қилишнинг муҳим воситаси уларнинг урганилаётган материалнинг айрим масалалари юзасидан кичикрок марузалар тайёрлашидир. Бундай мурузалар даставвал тайёргарлиги юқорирок ўқувчиларга топширилади, сунгра бу ишга колган ўқувчилар ҳам жалб этилади. Ўқувчи ўқитувчи рахбарлигида маруза тайёрлар экан, махсус журнал ҳамда китоблар уқийди, курсатма кулланмалар тайёрлайди, тажрибалар утказди ва хоказо. Бўларнинг хаммаси ўқувчилар билимларини чуқурлаштиради ва уларда техника адабиёти уқишга кизиқиш пайдо қилади.

16-маъруза. Ўқув материалининг баён этишни муаммоли қилиб тузиш.

Ўқув жараёнини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ўқувчиларнинг билиш фаолиятини активлаштириш, мустақиллигини ривожлантириш, ўқитишнинг энг самарали форма ва методларидан фойдаланишдир.

Илгор ўқитувчилар ўқув жараёнининг янги структурасини тобора кенг тадбиқ этмокдалар. Бу структурага кура, билимларни узлаштириш ва ўқув ҳамда малакалар хосил қилиш ўқувчиларнинг мустақил амалий ва аклий фаолиятлари натижасида содир бўлади. Муаммоли вазиятлар яратиш, уларни ҳал қилиш йулларини излаш ва аниқлаш, муаммони ҳал қилиш жараёнининг узи, чиқарилган хуласаларни канчалик тўғри эканлигини амалда текшириб куриш ўқув жараёнининг муҳим элементлари бўлиб колмокда.

Муаммоли жараён хосил қилиш ўқувчилар актив аклий фаолиятнинг зарур шартидир. Ўқувчи олдида муайян вазифа куйилади, бу вазифа унда кизиқиш уйғотади ва ўқувчи бу вазифани ҳал қилишга уринади, аммо уз билимлари ҳамда тажрибалари етарли даражада тула ва чуқур эмаслигини пайкайди, яъни аниқ кийинчиликка дуч келади. Ўқувчида хосил булган вазиятдан чиқиш йулини топишдек ички эхтиёж пайдо бўлади, кийинчиликни хис этиш пайдо булган шароитни анализ қилишга ва куйилагн масалани ечиш йулларини топишга ундайди. Шундай қилиб, билиш лозим булган ва амалий вазифалар билан ўқувчиларнинг билимлари даражаси орасида зиддиятлар пайдо бўлади, бу зиддиятлар юзага келган кийинчиликни бартараф этишга каратилган интенсив фикрлаш фаолиятини уйғотади.

Ўқув материални баён этишнинг муаммоли тузилишини чуқурроқ билиб олиш учун фикрлаш жараёнининг баъзи қонуниятларини куриб чикамиз. Бу соҳада олиб борилган экспериментал тадқиқотлар шуни курсатадики, фикрлаш ва янги билимларни узлаштириш жараёни қонуниятлари бир-бирига маълум даражада тўғрикелади. Фикрлашдаги ҳаракатлар нарсани, ходисани узгартиришнинг шундай амалий ҳамда назарий усулларини уз ичга оладики, бўлар унинг янги хоссалари ва янги нисбатларини пайкашга олиб келади. Фикрлашнинг асосий вазифаси янги билимларни ва янги ҳаракат усулларини эгаллашга имконият яратишдан иборат. Шу билан бирга, инсоннинг билимлари тафаккурининг пировард натижаси, билишнинг асосий воситасидир. Инсон янги нарсани узига илгари маълум булган нарса асосида билади. Инсон маълум булган нарсага таянибгина узининг билиш фаолиятида илгари силжийди. Инсоннинг билимлари канчалик аниқ ва чуқур бўлса, унинг фаолияти шунчалик мукамал, меҳнати унумли бўлади.

Инсон билимлар системасини билиб олар экан, айти замонда бу билимларни ишлатиш усулларини, амалий ва назарий масалаларни ечишда билимлардан фойдаланиш учун зарур бўладиган интеллектуал ҳаракатларнинг мураккаб системасини ҳам узлаштиради. Фикрлашдаги ҳаракатларни «дилда» бажаришга қаратилган аклий операциялар системаси, дебгина тушиниш ярамайди. Тафаккур амалий ёки назарий ҳаракатдан ажралмасдир, у инсоннинг бутун фаолиятига хизмат қилади, инсон уз олдига вужудга келадиган муаммоларни ечишнинг тайёр усулларига эга булмаган ёки ҳаракатларни бажаришнинг янги усулларини топиши зарур булган ҳолларда унинг фаолиятини тартибга солишга ёрдам беради.

Фикрлаш жараёни амалга ошадиган асосий форма муаммоларини, яъни билиш лозим булган, ечиш йули номаълум ёки мавжуд билим ҳамда малакаларни янги, одатланилмаган шароитда тадқиқ этишни талаб қиладиган интеллектуал ва амалий вазифаларни ҳал қилишдан иборат.

Ўқитишда тафаккурнинг вазифаси шундан иборатки, у янги ҳаракат усулларини ва узлаштирилиши лозим булган янги билимларни «қашф этишга» хизмат қилади. Ўқитиш жараёнида тафаккур бу вазифани фикрлаш заруриятини, яъни илгари маълум булмаган билимларни ёки ҳаракат усулларини «қашф этиш» ёки узлаштиришни талаб этадиган вазифани бажариш вақтида ўқувчида пайдо бўладиган психик ҳолатни келитриб чиқарадиган муайян вазиятлар шароитида бажаради. бундай вазиятлар ва уларга мос келадиган вазифалар муаммоли вазият ҳамда вазифалар деб аталади.

Янги билимларни узлаштириш жараёни муайян муаммони ҳал қилинишидан иборат фикрлашнинг намоён булиши экан, янги билимларни узлаштиришнинг ҳар бир элементи-бу, муаммоли вазиятларнинг ҳал қилиниши, деб айтиш мумкин. Буни фикрлашнинг психологик қонуниятларидан ўқитиш жараёнини бошқариш учун фойдаланиш масалаларига багишланган барча тадқиқотлар тасдиқлайди. Бу хулоса ўқувчиларнинг мустақил равишда билимлар олиш жараёнини бошқариш мақсадида муаммоли вазиятлар системасини ишлаб чиқиш ва уни тадқиқ этишни назарда тутди.

Муаммоли вазиятни ҳал этиш асосида ташкил қилинган ўқув жараёни педогогикада муаммоли ўқитиш деб аталади. Муаммоли ўқитиш вақтида ҳамма вақт масала (муаммо) қуйилади ва ҳал қилинади. Бу муаммо савол, топшириқ, масала тарзида берилади. Аммо ўқитишда, шу жумладан, ўқув материални узлаштиришдан олдин савол ва масалалардан фойдаланиш муаммоли ўқитиш шартларига ҳамма вақт ҳам тўғри келавермайди. «Муаммоли вазият» ҳамда «масала» тушунчаларининг маъноси бир хил эмас. «Масала» тушунчаси билан ҳаракатнинг баъзи объектив бериладиган характеристикаларигина белгиланади, иштирок этувчи шахс- субъект эса қушилмайди. Масалани ечиш жараёни изланаётган зарур нарсанинг топилишини таъминлайдиган масала шартларини узгартириш системасидан иборат. Купчилик ҳолларда масала маълум булган билим, ўқув ва малакаларни бевосита тадқиқ этиш асосида бажарилади ёки ҳал қилинади.

Муаммоли вазият- субъект (ўқувчи) билан объект (масала) узаро таъсирининг узига хос тури. Муаммоли вазият аввало ўқувчининг фан тўғрисида, топшириқни бажариш

усуллари ёки шартлари тўғрисида янги билимларни «кашф этишни» (узлаштиришни) талаб этадиган вазифани бажариш жараёнида пайдо бўладиган муайян психик ҳолатни характерлайди. Агар масални ечишда ўқувчи ҳаракатларни ўқитувчи курсатмасига биноан бажариб, уни ҳамма вақт ҳам «қабул қила» олмаса, муаммоли вазият вужудга келишининг муқаррар шарти янги ҳосса ёки ҳаракат усулини очиш зарурати бўлади. Бундай зарурият бевосита амалий шароитлар билан ҳам, ижтимоий эҳтиёжлар билан ҳам белгиланиши мумкин.

Муаммоли вазиятлар яратишда педогогика фани ишлаб чиққан ҳамда амалда текшириб қурилган қуйидаги қоидаларга амал қилиш зарур.

1. Муаммоли вазият яратиш шундай амалий ёки назарий масалани назарда тутадик, бу вазифани бажаришда ўқувчи узлаштириши керак булган янги билимлар ёки ҳаракатларни «кашф» этиш лозим.

2. Масала қуйидаги шаклларда берилиши мумкин: савол шаклида, бунда маълумотлар сурок гапга киритилган бўлади; бунда саволнинг таърифи, унинг моҳияти вазифани бажаришда ўқувчида пайдо бўладиган реал саволга мос келиши керак; топшириқ шаклида, бундай масалада ҳулоса чиқариш, ниманидир тушинтириш, асослаш таклиф этилади.

3. Масала ҳамиша ўқувчининг билим ва ўқувларига асосланиши лозим. Улар савол ёки вазифанинг моҳиятини, туб мақсадини ва ечиш йулларини тушуниш учун етарли булиши керак.

4. Ўқувчига таклиф этиладиган муаммоли вазифа ўқувчининг интеллектуал имкониятларига мос келиши зарур. Вазифанинг кийинлик даражаси иккита асосий курсаткич: узлаштирилиши керак булган ўқув материалининг янгилик даражаси ва унинг умумлаштирилганлик даражаси билан баҳоланади.

5. Одатда, муаммоли вазифа узлаштирилиши лозим булган ўқув материалдан олдин берилиши даркор. Аммо ўқувчиларда муаммоли вазифани ҳал қилиш учун етарли даражада билим ва ўқувлар булмаса, уларга зарур маълумотларни баён этиш ёки уларни муайян ҳаракатларга ўргатиш лозим. Бундай ҳолларда ўқитувчи жараёнларнинг хусусиятлари, аниқ маълумотлар ва шу қабиларни айтиб беради, ўқувчилар эса ана шу маълумотлар асосида, урганиладиган ҳаракатларнинг умумий қонуниятларини, бажариш усуллари ҳамда шартларини ижодий узлаштирадидлар.

6. Ўқувчиларнинг муаммоли масалалар ечиш йули билан янги билимларни узлаштириш жараёнига ўқитувчи доимо бевосита раҳбарлик қилиши керак. Ўқитувчи муаммоли вазият юзага келтиради, масалани таърифлайди, шундан кейин ёрдамчи саволлар бериш, аниқликлар киритиш, баъзи нарсаларни айтиб бериш йули билан ўқувчиларга талаб этиладиган қонуниятларни мустақил тушуниш ҳамда таърифлашга, қилинадиган иш усули ёки шартини топишга, зарур ҳулоса чиқаришга ёрдам беради.

7. Билим ва ҳаракатларнинг маълум даражада мураккаб системасини муаммоли узлаштиришни таъминлаш учун муаммоли вазиятлар яратишда муайян системага риоя қилиш керак:

мураккаб топшириқни анча майда, хусусий топшириқларга булиш зарур; баъзи ҳолларда асосий масала бир неча дарс ёки, ҳатто, бутун бошли мавзу доирасида ягона бўлади ва хусусий вазифалар сифатида ечилади;

хар хил муаммоли вазиятлар учун хос булган дидактик функцияларни фарқ қилиш керак: мавзунинг ўрганиш бошида ҳосил қилинадиган биринчи муаммоли вазият ўқувчиларда урганилаётган умумий қонуниятни узлаштириш учун эҳтиёж уйғотиши даркор; шундан кейин аниқ муаммоли вазиятлар системасининг ҳаммаси шу асосий масалани очишга хизмат қилади;

муаммоли вазиятлар шароитида ўқитувчи баён этадиган ўқув материални ва ўқувчилар мустақил уздаштирадиган материални аниқлашга дифференциалланган тарзда ёндашиш керак; бир дарснинг узида, одатда, иккала типдаги материалдан фойдаланилади.

Муаммоли ўрганиш учун очик ойдин ифодаланган сабаб-натижали боғланган, энг муҳим сифатларни, ходисаларни, муносабатларни умулаштиришни, қонуниятларни аниқлашни талаб этадиган материал, яъни асос характеридаги материал танлаб олинади. Ахборот хикоя режасидаги аниқ материални ўқитувчининг узи баён этади. Шу сабабли педогогика адабиётида муаммоли ўқитишни тавсифлашда учрайдиган «муаммоли дарс» терминига тула қушилиб бўлмайди.

Хотимада шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, дарсда муаммоли вазиятлар ҳосил қилиш оқибат натижада аниқ ўқув материални онгли равишда ушлаштиришга караганда анча куп нарсани билишга ёрдам беради, чунки ўқувчилар уларни ҳал этиб, фикрлашга, мулоҳаза юритишга, хулосалар чиқаришга урганадилар. Ўқитишнинг бундай усулуби инсонни актив, ижодий уйлайдиган қилиб тарбиялашга ёрдам беради.

17-маъруза. Билим, Ўқув ҳамда малакаларни баҳолашни рейтинг тизими.

Рейтинг тизимини жорий этилишининг мақсадлари.

Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури» ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 204-сонли қарорида қўзда тутилган Рейтинг тизими урта махсус, касб-хунар таълими давлат таълими стандартларининг таркибий қисми бўлиб, уни бажарилиши барча академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари учун мажбурийдир деб белгилаб қўйилган.

Таълим соҳасида рейтинг тизимини қўлланилишида асосан қўйидаги мақсадлар қўзда тутилган:

- рейтинг тизими ўқувчилар билим курсаткичлари даражасини, малакасини шакллантириш, ўқувчини уқишга ва фойдали меҳнатга бўлган муносабатини объектив комплекс баҳолаб беради;
- рейтинг, ўқувчи шахсини сифат курсаткичини аниқлайдиган сонли курсаткичдир;
- Ўқувчиларни доимий баҳолаш ва улар олган баҳоларни такқослаб бориш;
- Ўқувчиларда уқишга интилишга ва узаро беллашишга имкониятни шакллантириш, уларни шу руҳда тарбиялаш;
- Ўқув юртларида ишлаб чиқариш таълими усталари ҳамда ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятини тўғри баҳолаш;
- Ўқувчилар билим савияси ва малака кўникмаларини ҳаққоний баҳолаш;
- Ўқувчиларни дарсларга қатнашиш интизомини яхшилаш ва уларнинг фанлар бўйича узлуксиз тайёргарлигини ташкил этиш;
- Ўқувчи ва ўқитувчининг уз фаолиятини олдиндан режалаштириш, ўқув жараёнининг боришини тезкор таҳлил қилиш, уз фаолиятида зарурий узгартиришлар киритиш имкониятини яратиш.

Рейтинг тизими Юқорида санаб ўтилган мақсадларни узида мужассамлаштирган бўлиб, ўқувчиларнинг билим сифатини ҳаққоний баҳолаш, уларнинг билимини узаро такқослаш оққали ўқув жараёнида мусобақа, яъни беллашиш муҳитини яратиш имконини беради.

Рейтинг тизимининг мазмуни.

Рейтинг тизимида ўқувчиларнинг билими доимий равишда назорат қилинади ва баҳолаб борилади. Рейтинг назорат тизимининг асосида ўқув режасига киритилган хар бир фаннинг ўқувчи ушлаштиришининг сифат курсаткичларини баллар билан баҳолаш ётади.

Хар бир ўқитувчи уз фани бўйича рейтинг тизимини лойиҳалаштиришда қўйидагиларга асосланиши керак:

1. Хар бир фан бўйича семестр давомида ўқувчи тушлаши мумкин бўлган максимал бал 100 баллни ташкил этади;

2. Хар бир фан учун ажратилган максимал бал назорат турлари бўйича қуйидагича таксимланади:

Жорий назорат (ЖН) бўйича 60%, яъни 60 бал;

Оралик назорат (ОН) бўйича 20%, яъни 20 бал;

Якуний назорат (ЯН) бўйича 20%, яъни 20 бал.

Бу баллар баҳо ва фоиз жихатидан қуйидагича таксимланади:

m a x Б а л	Баҳолар, фоизлар, баллар			
	«коника рсиз» 54,9 %	«урта» 55%- 69,9%	«яхши» 70%-84,9%	«аъло» 85%- 100%
1 0 0	0-54,9	55-69,9	70-84,9	85-100

3. Жорий назорат (ЖН) – оғзакий суров, семинарлар, ёзма ишлар, лаборатория ишлари, техникавий диктант, курс лойиҳалари, уй вазифаси, тест суровлари, карточка суровлари, мустақил ишлар ва хоказо, яъни сиз амалиёт давомида кулланиладиган барча суров турларини уз ичига олади. «ЖН»да утказиладиган суров турларини қуйидаги қисқартирилган кодлар билан белгилаш мумкин:

Т – тест суровлари;

О – оғзаки суров;

К – карточка суров;

Л – лаборатория иши;

М – масала ечиш;

У – уй вазифаси;

К_л – курс лойиҳаси;

Ё – ёзма иш;

Т_д - техникавий диктант;

А – амалий иш;

М_к – муаммолар куйиш;

М_и – мустақил иш.

4. Баъзи суров турларининг хусусиятларига, уларни утказиш имкониятларига караб ва барча ўқувчиларни шу суров тури бўйича бир машғулотда назорат қилиш имконияти йуклигини эътиборга олиб, режада шу суров турларини иккичи машғулотдан бошлаб утказиш режалаштириши мақсадга мувофиқдир.

5. Курс лойиҳаларига максимал балининг 20-40%ни ажратиш мақсадга мувофиқдир.

6. Оралик назорат (ОН) семестр давомида 2-4 марта мақсадга мувофиқдир.

Бу назорат фаннинг маълум бир бўлими якунлангандан кейин асосан тест асосида семестр уртасида ва охириги хафталарида утказилади.

7. Якуний назорат (ЯН) - семестр якунида тест асосида утказилади ва утилган барча боб ва мавзуларга таалукли барча саволларни камраб олиши лозим. Бу назоратга «ЖН» ва «ОН» бўйича йигилган бали максимал балнинг 60 % дан кам булган ўқувчилар ва рейтинг

балини яхшилашхохишини билдирган ўқувчилар киритилади. Рейтинг бали «ЖН» ва «ОН» бўйича 60 балдан куп бўлаган ўқувчилар «ЯН» ни топширишни хохламаса, у холда журналга улар жамлаган бал қуйилади.

8. Ишлаб чиқариш таълими ва амалиёти учун ҳам максимал бал 100 бал бўлиб, рейтинг тизими уларнинг узига хос хусусиятларини эътиборга олган холда намунадагидек лойиҳалаштирилади.

9. Диплом ишлари ва лойиҳалари учун ажратилган бал ҳамда давлат имтихонлари учун ҳам максимал бал 100 бал қилиб белгиланади.

Диплом ишлари ва лойиҳаларга ажратилган максимал бал қуйидагича таксимланади:

- диплом иши ёки лойиҳа раҳбарига – 30 бал;
- рецензетга – 20 бал;
- давлат малака комиссиясига – 50 бал.

Диплом химоясида малака комиссиясига ажратилган 50 балнинг 60 %ни олган ўқувчигина химоя қилинади.

Ўқувчиларнинг рейтинг тизими бўйича туплаган умумий балларини ҳисоблаш.

Энг яхши ўқувчини аниқлаш ва ўқувчилар билимини узаро таккослаш учун хар бир фанга ўқув жараёни режасида ажратилган соатларни ҳам ҳисобга олиш керак.

Ўқувчиларнинг хар бир фан бўйича туплаган бошлангич максимал бали қуйидаги формула билан аниқланади:

$$P_{60}K_{P_{жн}}+P_{он}+P_{ян}K_{60+20+20}K_{100} \quad (1)$$

Ўқувчиларнинг хар бир фан бўйича туплаган бошлангич рейтинг бали қуйидаги формула билан аниқланади:

$$P_{y6}K_{P_{ужн}}+P_{уон}+P_{уян} \quad (2)$$

Бу ерда $P_{ужн}$ – ўқувчининг «ЖН» та туплаган реал бали; $P_{уон}$ – ўқувчиларнинг «ОН»да туплаган реал бали; $P_{уян}$ – ўқувчининг «ЯН» та туплаган реал бали.

Ўқув жараёни режасида хар бир фан учун ажратилган соатларни ҳисобга олган холда ўқувчининг хақикий рейтинг балини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$P_xK_{P_{y6}}+P_{ф} \quad (3)$$

Бу ерда: $K_{ф}C/100$ – фан коэффиценти бўлиб, ўқув жараёни режасида маълум бир фан учун ажратилган соатларга боғлиқ;

C – ўқув жараёни режасида маълум бир фан учун семестрда ажраилган соатлар сони.

Ўқувчининг маълум фанлар бўйича туплаган рейтинг балларини аниқлагандан сунг барча фанлар бўйича умумий рейтинг балини қуйидаги формула билан аниқланади:

$$P_yK_{P_{x1}}+P_{x2}+P_{x3}+...+P_{xn} \quad (4)$$

бу ерда: n – фанлар сони.

Бу формула гуруҳда энг яхши ўқувчини аниқлашга имкон беради, лекин курсда, коллежда энг яхши ўқувчини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$P_n = P_{yp} / P_{ym} \cdot 100 \quad (5)$$

Бу ерда P_n – ўқувчининг нисбий рейтинг бали:

P_{yp} – ўқувчининг фанлар бўйича туплаган умумий реал бали.

P_{ym} – ўқувчининг фанлар бўйича туплаши мумкин булган максимал бали.

Таянч суз ва иборалар.

- | | |
|----------------------------------|---------------------------|
| 1. Ўқув режа. | 18. Назарий таълим |
| 2. Ўқув дастур. | 19. Ишлаб чиқариш таълими |
| 3. Малака. | 20. Инструктаж |
| 4. Малака тавсифномаси | 21. Оғзаки метод |
| 5. Дарс. | 22. Аклий малака |
| 6. Усул | 23. Маъруза |
| 7. Восита | 24. Кўникма |
| 8. Тадкикот | 25. Метод |
| 9. Қурғазмали метод | 26. Дастурланган таълим |
| 10. Эслаш методи | 27. Жараён |
| 11. Муаммоли баён | 28. Курс лойихаси |
| 12. Тадкикот методи | 29. Курс иши |
| 13. Анъанвий ўқитиш
методлари | 30. Ишчи |
| 14. Амалий метод | 31. Ишлаб чиқариш устаси |
| 15. Машқлар | 32. Касб |
| 16. Педагогик уйин | 33. Муаммоли вазият |
| 17. Фанлараро алоқа | |

Адабиётлар.

1. И. А. Каримов. «Баркамол авлод орзуси». Т. 1999 й.
2. И. А. Каримов. «Баркамол авлод Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори». Т. 1997 й.
3. В. А. Скакун. «Ишлаб чиқариш таълими устози учун кулланма». Тошкент «Ўқитувчи» 1992 й.
4. Р. Х. Джураев. «Теория и практика интенсификации профессиональной подготовки учащихся профтехучилищ». Тошкент. «ФАН» 1992 й.
5. С. А. Акмалова. «Таълим назарияси дидактика масалалари бўйича ўқув кулланма». Наманган 1993 й.
6. К. Ж. Мирсаидов. «Махсус фанларни ўқитиш ва ишлаб чиқариш таълими». Тошкент «Ўқитувчи» 1996 й.